БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 95 (1357)
16 МАЙ ШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Н. С. Хрушчев Молдавия пойтахтидан жўнаб кетди

КИШИНЕВ, 15 май. (ТАСС). Кишиневнинг неча ўн минглаб аҳолиси бугун Кишиневдан жўнаб кетаётган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевни кузатиб қолиш учун кўчаларга чиқди.

Аэродромда Совет ҳукумати бошлиғини КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. В. Подгорний, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ З. Т. Сердюк, Молдавия ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ А. Ф. Диордица, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ И. С. Кодица, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. М. Жаъфарли ва бошқалар кузатиб қолдилар.

Соат 13 дан 48 минут ўтганида самолёт парвоз қилди ва Москвага қараб йўл олди.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев шу куниёқ Москвага қайтиб келди.

Илмий-атеистик пропагандани кучайтирайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди кўрсатиб ўтганидек, мамлакатимизда коммунизм қурилишини кенг авж олдириш плани бўлган етти йиллик планда кўрсатилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун меҳнаткашлар оммасининг коммунистик онглилигини янада ошириш, кадрларимизни, барча совет кишиларини марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш ҳозирги вақтда айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Совет кишиларида материалистик дунёқарашни тарбиялаш, ўтмишнинг энг зararли сарқитларидан бири, халқ учун афюн бўлган динга қарши кураш оммани идеологик жиҳатдан тарбиялаш соҳасида партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишнинг таркибий қисмидир.

Бизнинг улуғ Советлар мамлакатимизда социализм узил-кесил галаба қозонди. Энди Совет мамлакати ўз тараққиётининг янги палласига — коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш палласига кирди. Эскилик сарқитлари, диний таассуф ва ақидаларнинг энг чуқур илдизлари тамоман қирқиб ташланган бўлса ҳам, ҳали аҳолининг айрим қолоқ қатламлари орасида динга ишониш, диний урф-одатларга амал қилиш давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, кишиларнинг онги ўз ривожланишида ижтимоий турмуш тараққиётидан орқада қолмоқда. Иккинчидан, партия ташкилотлари, бу иш билан бевосита шуғулланувчи ташкилотлар омма ўртасида илмий-атеистик тарбия ишларини суст олиб бормоқдалар.

Албатта, партия ташкилотлари кейинги вақтларда КПСС XXI съезди қарорлари асосида аҳоли ўртасида тарбиявий ишларни анча яхшиладилар, илмий-атеистик пропагандани бирмунча бўлса ҳам жонлантирдилар. Областимизнинг деярли ҳамма районларида район партия комитетларининг пленумлари бўлиб ўтди. Бу пленумларда илмий-атеистик пропагандани кучайтириш ҳақидаги масала кенг муҳокама қилинди.

Илмий-атеистик пропагандани янада кенгайтириш юзасидан катта тадбирлар олиб борилаётган бўлса ҳам, аммо бу соҳадаги ишлар ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарилган эмас. Бу иш билан бевосита шуғулланувчи айрим ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари илмий-атеистик пропаганда билан юзаки шуғулланмоқдалар, баъзан эса хатоларга ҳам йўл қўймоқдалар. Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Тошкент шаҳар ва область бўлимлари илмий-атеистик пропагандани олиб бориш соҳасида қониқарсиз иш олиб бормоқдалар. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари Ананьев, Холмуҳамедов ўртоқлар илмий-атеистик пропагандани кучайтириш зарурлиги ҳақида, бу ишга кампаниячилик билан қарамаслик ҳақида жуда кўп гапирадилар. Лекин ўзлари бунга амал қилмайдилар. Юқори ташкилотлардан «туртки» бўлган вақтлардагина илмий-атеистик пропаганда эсларига тушиб қолади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, илмий-атеистик темада лекциялар ўқиш ишига малакали, шу темани яхши биладиган кишилар жалб қилинмайди. Лекциялар кўпинча юзаки, таъсирсиз ўтказилади, да муҳокама қилиб ,районда илмий-атеистик пропагандани кучайтириш зарурлиги ҳақида узундан-узоқ қарор ҳам қабул қилган эди. Лекин бу қарор бажарилмаётир, қоғоздагина қолиб келмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳар Калинин, Киров районларида ҳам аҳвол яхши эмас.

Шуни унутмаслик керакки, динга қарши олиб бориладиган ишлар партия ташкилотларидан зўр маҳорат ва жанговарликни, эҳтиёткорликни ва сабот-матонатли бўлишни талаб қилади.

«Диний таассуфларга қарши кураша, — дейди В .И .Ленин,— **ниҳоят эҳтиёт бўлиш керак: бу кураш вақтида диний хиссиётларни ҳақорат қилган кишилар катта зарар келтирадилар, пропаганда йўли билан, маориф-маданият йўли билан курашмоқ керак».**

Илмий-атеистик пропаганда ишлари ишонтириш методи билан, диндор кишиларга қунт билан тушунтириш, алоҳида ёндошиш йўли билан олиб борилиши зарур.

Илмий-атеистик пропаганда — диний сарқитларни тугатишнинг энг муҳим воситасидир. Фанни кенг тарғиб қилмай, фан асосларини ҳар томонлама тушунтириб бермасдан туриб, дин ва диний сарқитларни йўқотиб бўлмайди. Ҳозирги замон фани ва техникасининг энг янги ютуқлари — атом қувватидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, кимё соҳасидаги муваффақиятлар, Ернинг сунъий йўлдошлари, Ойга томон муваффақиятли учирилган ракета ва бошқа ютуқларимизни кенг тушунтириб бериш керак. Чунки фан ва техниканинг ана шу муваффақиятлари инсон идрокининг ҳамма нарсадан кучли эканлигини, табиат ҳодисалари ҳақидаги илмий тасаввуларимиз тўғри эканлигини, кишилар модданинг энг сирли ҳодисаларини ҳам билиб олишга қодир эканлигини яққол исботлайди.

Партия ташкилотлари илмий-атеистик пропаганда ишларини олиб борганларида ҳар турли формалардан, методлардан кенг фойдаланмоқлари зарур. Лекциялар, савол-жавоб кечалари, «ҳамма нарсани билишни истайман» деган кечалар ташкил этиш, якшанбаликлар ўтказиб, унда кимёвий, физикавий тажрибаларни намойиш қилиш керак.

Кадрлар, лекторлар ва пропагандистлар состави ҳамда уларнинг сиёсий тайёргарлик даражаси қанчалик юқори бўлса, илмий-атеистик пропагандининг мазмуни ҳам шунчалик юксак бўлади. Шунинг учун бу соҳада иш олиб борувчи кадрлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор бермоқ керак. Илмий-атеистик пропаганда ишларини олиб боришга миллионмиллион кишилар, фан ва техниканинг барча соҳаларида ишловчи оломлар, илмий ходимлар, мутахассисларни кенг жалб этмоқ айниқса муҳимдир.

Пропаганданинг барча воситалари, — матбуот, радио, кино, театр, телевидение, лекция пропагандаси — илмий-атеистик пропаганда олиб боришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериши зарур. Маориф, соғлиқни сақлаш ва маданий-оқартув муассасалари бу ишдан четда қолмасликлари керак.

Илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган илмий-атеистик пропагандани яна ҳам яхшилаш дин ва диний таассуротларни йўқотишга имкон беради, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнайди, совет халқини мамлакатимизда коммунизм қурилишини кенг авж олдириш программаси — етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашга кенг сафарбар этади.

МОЛДАВИЯ ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ҲАМДА МОЛДАВИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

КИШИНЕВ, 14 май. (ТАСС). Бугун бу ерда Молдавия ССР Олий Совети ҳамда Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг партия, совет, жамоат ташкилотлари вакиллари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг иштироки билан Молдавияга Ленин ордени топширишга бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Эрталаб соат 10. Мажлис президиумида гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. В. Подгорний. Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ З. Т. Сердюк, Молдавия ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ А. Ф. Диордица, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ И. С. Кодица, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. М. Жаъфарли ва бошқалар пайдо бўладилар.

Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ З. Т. Сердюк қисқа қириш нутқи билан тантанали мажлисни очади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумини фахрий президиумга сайлайди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев СССР Олий Совети Президиуми номидан ва унинг топшириғи билан, Молдавия ССРга Ленин ордени топширади. Орденни З. Т. Сердюк, А. Ф. Диордица ва И. С. Кодица ўртоқлар қабул қилиб оладилар.

Сўнгра, ўртоқ З. Т. Сердюк нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади. Унинг нутқи бир неча марта гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис қатнашчилари қизғин баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига табрик хати текстини қабул қиладилар.

Андижонлик мусобақадошларимизнинг дўстона маслаҳатларига тўла амал қилиб, ғўза парваришини кенг авж олдирайлик!

★

Илғорларга тенглашиш керак

911 гектар ернинг ҳар гектаридан она-Ватанга 27 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилаётган Тельман номли колхоз аъзолари барча майдонлардаги чигитни бир текис ундириб олиш, ғўзанинг дастлабки парваришини сифатли тугаллаш учун курашмоқдалар.

Колхоз аъзолари область пахтакорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгаши тадбирларидан руҳланиб, ўз зиммаларига ошириллган мажбуриятлар олдилар. Колхозчилар кундалик топшириқларини ортиғи билан бажармоқдалар. Кўпчилик майдонларда ғўзани яганалаш, культивация, биринчи суғориш тамомланди. Мўминбек Жумонов, Мирзакарим Ҳамдамов, Сафарали Тўраев ва Темир Қаршибоев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари астойдил меҳнат қилганликлари натижасида барча майдонларда чигитни бир текисда ундириб олдилар. Ҳозир бу бригадалар ғўзанинг биринчи парваришини тамомлаш арафасида турибдилар.

Лекин колхознинг баъзи бригадаларида иш суст. Масалан, ўртоқ Исфанди Саидов бошлиқ 7- бригадада 77 гектар ернинг 18 — 20 гектаридан кўпида ҳали чигит текис униб чиқмаган. Ўқариқларга чигит экилгани йўқ, тўла гектар учун курашмаётир. Сув қўйиш ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди, ғўза бостириб суғорилмоқда. Агар иш шу зайлда давом этаверса, бригада аъзолари ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини бажараолмайдилар. Буни унутмаслик керак, ишни илғорлар тажрибаси асосида ташкил этиб, ғўза парваришини намунали ўтказиш лозим.

М. ОЙДИНОВ.
Оққўрғон райони.

Ғўза парвариши кечиктирилмоқда

Юқори Чирчиқ районидаги Жданов номли колхозда 500 гектар ерга чигит экилган. Бироқ чигитни ўз вақтида ундириб олиш учун кураш бўшаштириб юборилди: 29 гектар ернинг чигити ҳалигача униб чиқмаган йўқ. Шунингдек ҳозирги кунда культивация, яганалаш ишлари кечиктирилаётир, ишлар сифатсиз.

Колхозда барча ишчи кучи ғўза парваришига тўла сафарбар қилинмаётир. Суғориш ишига эътиборсизлик билан қаралмоқда.

Ғўзани барвақт озиқлантиришнинг афзалликлари ҳаммага аён. Аммо бу муҳим иш ҳам эътибордан четда қолмоқда. 100 гектар ернинг ғўзаси культивация қилингани ҳолда фақат 20 гектар ердаги ғўза ўгитланган.

Мўл ҳосилнинг тақдири шу кунларда қилинадиган ишларга боғлиқ. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча куч ва имкониятларни тўла ишга солиб, ғўза парваришидаги қолоқликни тезда тугатишлари керак.

Ж. ТОҚСАМБОЕВ.



Суратда: Андижон область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Ўрта Чирқандай ўтказилаётганлиги билан танишмоқдалар. колхоз далаларида ғўза парвариши

М. Шевелев фотоси.

Дўстлар учрашганда

Аровон тоғлари этаклари. Бу ерларнинг гўзаллиги, ажойиб манзаралари, дилраболиги кишини ўзига мафтун қилади. Мана шу гўзал ва хушҳаво ерларга Хўжаобод районининг колхозлари жойлашган. Ана шу ерларда пахтакорлар тер тўкиб ишламоқдалар.

Қадрдон андижонликлар билан тошкентликлар ўртасида меҳнат ҳамкорлиги бир неча йиллардан бери давом этиб келмоқда. Уларнинг бири устоз бўлса, бири шогирд, бири муаллим бўлса, иккинчиси талаба. Ҳамкасб мусобақадошлар ҳар йили бир-бирларининг далаларига келиб, бу ердаги ишларни ўзаро текширишдан ўтказадилар. Мана бугун ҳам тошкентликлар шу меҳнат қайнаган жойларни кезиб, андижонликлар иши билан танишмоқдалар.

Биз Калинин номли колхозинг Ғулом Халилов бошлиқ бригадасидамиз. Кўп жойлардаги ғўзалар текис униб чиққан, ягана қизғин давом этмоқда. Бироқ дала шийпони ёнидаги ерда ғўза ягана қилинмаганидан қизилпоча бўлиб қолган.

— Қизилпоча дегани нима? — сўради тошкентлик ўзаро текшириш бригада бошлиғи ўртоқ Каромат Тошпўлатова.

— Ғўза қизилпоча бўлса, бўйи чўзилиб, ҳосил шохларини тепароҳдан олади. Ёшлигида қариб қолади,— деб жавоб берди бригада бошлиғи Халилов.

— Ҳосили қазаҳа бўлади?

— Ҳосили вақтида ягана қилинган ғўзага қарагганда камроқ бўлади.

— Шуларни ўзингиз ҳам яхши тушунар экансиз-ку.

— Тушунишга тушунамиз-у, бироз шошиб қолдик, улгураолмадик. Бугун-эртаёқ тўғрилаб юборамиз, — деди бироз ҳижолат чекиб бригадир.

Дўстлар бир-бирларининг камчиликларини шу руҳда, шу мазмунда за шундай тил билан тушунтирмоқдалар. Йўл қўйилган камчиликларни дўстона ва самимий кўрсатиб бермоқдалар.

— Шу кеча-кундузда қилинадиган ишларни тобидан ўтказгач деҳқон армонда қолади, ола экилса, кўчат тўла бўлмайди. Ҳосилдан этказиб қўйиш мумкин. Яганани кечиктирсангиз, ғўза қизилпоча бўлиб қолади, ҳозир озиқ бермасангиз, нимжон ўсади, — деди «Победа» колхозининг раиси ўртоқ Абдуллажон Нурматов.

Бу колхоз аъзоларининг шу хилдаги гапларга амал қилиб, астойдил ишлаётганликларини далаларни бир айланиб кўрган киши яққол сезади. Яганадан чиққан, биринчи парваришни тугалланган яшил квадратлар кўзларни қувонтиради. Бир карич ҳам ёввойи ўт босган ер йўқ.

Бу колхознинг ўртоқ Жўрабой Ортиқов бошлиқ бригадасида меҳнат қилаётган универсалчи Абдумалик Ортиқовнинг иши диққатга сазовор. У ишлаётган картада бирор туп ғўзанинг нобуд бўлганини кўрмайсиз.

Куйбишев номли колхозда амалга оширилган қуйидаги тадбирлар Тошкент область пахтакорлари учун ҳам катта аҳамиятга эга.

— Бизнинг мақсад шу ерларимиз,— деди колхоз раиси ўртоқ Обиджон Эргашев, катта йўл ёқасидаги бир картани кўрсатиб, — жуда зичлашиб кетадиган қаттиқ ерлар. Шунинг учун бундан 3-4 йил илгари бу ерлардан 18 центнердан ортиқ ҳосил ололмас эдик. Ўтган йили эса шу ерларнинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил олдик.

— Қандай қилиб? — сўрадик.

— Уч йилдан бери қор ёққан пайтда шу ерларни ғўзапояси билан ҳайдаб қўямиз. Бу — ерларнинг ҳолатини яхшилай бошлади, тупроғи сочилиб турадиган бўлди. Ўздан кейин техникадан яхши фойдалана бошладик. Ғўзалар икки томонлама парвариш қилинаяпти. Шу сабабли бу ерларнинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосил уч йил ичида 15 центнерданга ошди.

— Ҳамма гап техникага боғлиқ бўлиб қолди гапида давом этди раис. — Колхозимизда 12 та универсал бор. Ҳар бир универсалчига 50 гектар ер бириктилган. Улар йил бошидан охиригача шу ерда ишлайдилар. Кўчатига ҳам, ҳосилига ҳам, ишнинг сифатига ҳам ўзлари жавобгар. Биринчиг ерига иккинчиси ўтиб ишламайди. Иш ёмон бўлса, фалончи келиб, ишлаб кетгани учун шундай бўлиб қолди, деб важ ҳам кўрсата олмайди.

Бу гапнинг жони бор: эндиликда дала ишлари пахтачиликда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, кўп ишларни бажараётган механизаторлар қўлида.

Тошкент областидан Андижон областига келган пахтакорлар уларнинг ишидаги баъзи камчиликларни кўрсатиб, дўстона маслаҳат бериш билан бирга, юқоридаги каби яхши тажрибаларни қунт билан ўрганмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

☆

Қўшниларидан намуна олишлари зарур

Ўртоқ Жийрон Жонгиров бошлиқ 9-бригада аъзолари 65 гектар ерга чигит экиб, қисқа муддатда бир текисда ундириб олдилар. Ҳар бир центнер пахтани етиштиришга имкони борича кам меҳнат сарфлаш мақсадида 43 гектар ерга чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди.

Бригадада тўла гектарни таъминлаш учун ўз вақтида кураш бошланиб, муваффақиятли тамомланди. Ғўзани озиқлантириш ва яганалаш сифатли қилиб ўтказилди. Суғориш ишига тажрибали сувчилар ажратилди.

Бироқ бу бригада билан ёнма-ён бўлган 8-бригадада қилинаётган иш мутлақо бошқача. Бригада бошлиғи ўртоқ Бобобек Исоқовнинг бепарволиги билан ғўза парвариши кучайтирилмаётир. Ҳозиргача 75 гектар ерга экилган чигитнинг фақат 50 проценти униб чиққан. Шунга қарамай, чигит суви бериш иши пайсалга солинмоқда. Ҳали чигити униб чиқмаган айрим карталарда ер бети қотиб кетган.

Бу аҳвол колхоз раҳбарлари, жумладан раис ўртоқ Аҳмедовга ҳам аён. Бироқ улар ҳам бригадада йўл қўйилаётган камчиликларга бефарқ қараб келмоқдалар.

Чиноз районининг «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидаги бу икки бригада бир хил шароитда. Ишчи кучи, техника ҳам деярли бирдай. Аммо уларда қилинаётган ишнинг бир-биридан катта фарқ қилиши кишини ажаблантиради.

А. БОБОҚУЛОВ.

Бир бўлимда икки хил аҳвол

Ўртоқ Болтабой Бейсенбоев бошлиқ бригада «Пискент» совхозининг 3-бўлимидаги илғор бригадалардан ҳисобланади. Бригада аъзолари шу кунларда ғўза парваришини қизғин олиб бормоқдалар. Улар ғўзани биринчи комплекс парваришдан чиқардилар. Ўгитлаш биринчи культивация билан бирга ўтказилиб, ғўзага сув берилди. Бу ишда сувчилардан Ҳ. Бойжигитов ва М. Эшонова ўртоқлар яхши натижаларга эришдилар.

Бироқ ўртоқ Ҳазратқул Маматқулов бошлиқ бригадада ғўза парваришни яхши ташкил қилинмаган. Бригадада 100 гектар ерга чигит экилган эди. Кўп жойларда чигит унмай қолганига қарамай, хатоларига чигит экилмади. Яганалаш кечиктириб юборилди.

Шуниси ажабланарлики, бўлим бошлиғи Омонтоев ва агроном Мусаев ўртоқлар ҳар иккала бригададаги аҳволдан хабардор бўлганлари ҳолда, ўртоқ Ҳ. Маматқулов бошлиқ бригададаги қолоқликка барҳам бериш учун жиддий киришмаётирлар. Бригадир бўлса раҳбарликни бўшаштириб юборган.

О. ЭШОНҚУЛОВ.

Бу йил Карл Маркс номли колхоз аъзолари 1425 гектар ерга чигит экиб, 4100 тонна пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олдилар. Колхоз раҳбарларининг гапига қараганда ғўза парвариши соҳасидаги ҳамма иш жойида. Ҳақиқатда эса аҳвол бутунлай бошқача. Буни тушуниш учун фактларга мурожаат қилайлик.

Сводкаларга қараганда чигит экиш май ойининг бошидаёқ тамомланган. Ҳақиқатда эса, колхознинг «Тўқай» участкасида ҳозир ҳам чигит экилаётир. Колхоз раиси ўртоқ Қ. Султонов ҳам, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ш. Жўманов ҳам чигитни жуда сифатли экиб олдик, деб мақтанадилар. Аммо бу гап ҳам ўринсиз. Кўп бригадаларда нами қочиб кетган карталарга, айрим ҳолларда эса лойтоб ерларга чигит экилган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Қўшим Ақилбеков бошлиқ бригаданинг 16 гектар ерида салкам бир ойдан бери чигитнинг униб чиқмай ётгани, ўртоқ Ҳазратқул Намозбоев бошлиқ бригадада эса 8 гектар ерга экилган чигитнинг чириб кетгани бунинг исботи эмасми, ахир!

Бу йил план бўйича 650 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилиши лозим эди. Бу муҳим ишга совуққонлик билан қаралиб, фақат 507 гектар ернинг чигити квадрат-уялаб жойлаштирилди.

Колхозда ғўза парвариши жуда суст бораётир. Шу кунгача фақат 250 гектар ернинг ғўзаси узунасига культивация қилинган. 400 гектар ернинг ғўзаси кўндалангига қирқилган, 200 гектар ердаги ғўза озиқлантирилган, холос. Яганалашнинг аҳволи ҳам худди шундай.

Келинни келганда, сепини ёйганда кўр

Колхоз раиси бизни ўртоқ Жумабой Йўлдошев бошлиқ бригада далаларига таклиф қилди. Таъриф қилишларича, бу бригаданинг иши анча яхши экан.

— Мажбуриятингиз неча центнер?— сўрадик бригадирдан.

— Ўттиз беш.

— Раис қирқ беш деган эди-ку?

— ...

Ўртоқ Қ. Султонов ўз сўзининг «рост»лигини исботлаш учун гапга аралашди:

— Биз партком билан бирга илгариги мажбуриятларни ўзгартирган эдик, Жумабойнинг ундан хабари йўқ экан,—раис шундай деди-ю, бригада бошлиғига уқтирди, — энди ким сўраса, мажбуриятим қирқ беш денг, тушундингизми! Айттан сўзингда турасан деб мажбур қилишармиди.

Бу бригадада 75 гектар ерга чигит экилиб ундириб олинган. Аммо тўла гектар бўлиши учун кураш, ғўзани эрта муддатларда озиқлантириш иши ҳали бошланмаган. Торқаторлаб экилган ерлардаги ғўзаларнинг 24 гектари кўндалангига қирқилган, фақат 18 гектар ер культивация қилинган. Яганалашнинг аҳволи бундан ҳам ёмон.

Колхозда 2 та трактор-далачилик бригадаси бор. Уларда ҳам ғўза парвариши ҳафсаласизлик билан ўтказилаётир. Бу бригадаларнинг бирига механизатор ўртоқ Лапас Маматқулов бошчилик қилади. Раиснинг гапига қараганда, бригада аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштирмоқчи. Бригада бошлиғи эса гектар бошига 31 центнердан пахта беришимиз керак, дейди.

Бригаданинг 75 гектар ери бор. Шу ерга 30 ишчи кучи ва 1 универсал биркитилган. Кўриниб турибдики, бригада номигагина трактор-далачилик бригадаси, холос.

Бошқа бригадалардагидек бу бригадада ҳам пахтаси машинада териладиган ерлар ва уларнинг миқдори ҳозиргача ажратиб қўйилмаган. Қилинган ишлар системали ҳисобга олиб борилмайди. Масалан, «неча гектар ернинг ғўзаси ўгитланди?» деб сўрасак, табельчи Олишбой Муқимов 55 гектар, бригадир эса 33 гектар деб жавоб берди. Бу бригадада 52 гектар ерга чигит суви берилиши керак. Бироқ ҳанузгача ўқариқлар олинмаган.

Колхозда ғўзани суғориш иши ниҳоятда сифатсиз ўтказилаётир. Ўртоқ Дўстмурод Ҳасанов бошлиқ бригадада айрим жойлар кўлматиб юборилган, айрим жойларга сув чиқмаган. Бундай аҳволни ўртоқ Кўшим Ақилбеков бошлиқ бригада далаларида ҳам учратиш мумкин. Бу бригадада карта четлари, бурчакларига чигит экилмаган. Чигит суви берилган 40 гектарлик карта бундан 3—4 кун аввал етилган бўлишига қарамай ҳалигача культивация қилинмаётир.

Маълумки, мўл ҳосил етиштиришда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш муҳим роль ўйнайди. Бироқ колхозда бу ишга ҳам етарли аҳамият берилмаяпти. Мавжуд 3 та ОУН—4—6 аппаратидан 2 таси мутлақо ишлатилмай ётибди. Қолган биттаси фақат хўжакўрсинга ишлаяпти. Колхоз раиси ўртоқ Султонов бўлса: «ғўзамизга зараркунандалар тушгани йўқ» деб беғам юрибди.

Колхозда сиёсий-агитация, маданий-оқартув ишларига ҳам етарли аҳамият берилмаётир. Дала шийпонларини безатиш, у ерларда яслилар ташкил қилиш ишқи билан ҳеч ким жиддий шуғулланмаяпти. Партком ўртоқ Шовуддин Жуманов бўлса, мен пиллачилик ишлари билан бандман, деб бу ишларга мутлақо қарамай қўйган. Натижада «1 Май» участкасидаги бригадаларнинг бирортасида ҳам болалар яслиси ташкил қилинмаган. Деворий газета ва «Жанговар варақалар» чиқариб тўрилмайди. Дала шийпонлари безатилмаган. Уларда радиоприёмниклар йўқ.

Карл Маркс номли колхоз илғорлари Верхне-волинск районининг энг йирик, мўл ҳосилли колхози деб ном чиқарган эди. Ҳақиқатда ҳам 1957 йилда ҳар гектар ердан 34,1 центнердан ҳосил етиштирилди. Ўтган йили эса ҳосилдорлик бирданига камайиб кетди. Гектар бошига фақат 23 центнердан пахта ҳосили олинди.

Хўш, бунинг сабаби нима? Ер айнидими? Техника, ишчи кучи озми? Йўқ. Мўл ҳосил етиштириш учун ўтган йили ҳам тўла шароит бор эди. Фақат колхоз раҳбарлари, биринчи навбатда, раис ўртоқ Султонов колхозчиларнинг актив курашига етарли бошчилик қилмадилар. Эндиликда эса хотиржамлик кайфиятига берилиб кетилди.

Биз колхоз қишлоғига қадам қўяётганимизда бу йирик хўжаликда ўрнак олса арзийдиган ажойиб ишларни кўрармиз деб умид қилган эдик. Афсуски, у ердаги иш ўйлаганимиздек чиқмади. Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар колхоздаги умумий аҳволнинг бир кичик манзараси, холос.

Колхозда чорвачиликка раҳбарлик жуда ёмон. Кўп марта танқид қилинганига қарамай мустаҳкам емхашак базаси яратиш учун кураш жуда суст олиб борилаётир. Маккажўхори экишга ҳанузгача жиддий эътибор берилмаяпти. Боғдорчилик, паррандачилик билан ҳеч ким қизиқмайди, картошка, сабзавот ва полиз экинлари экилмайди ҳисоб, Ахир қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари баравар ривожлантирилиб борилмаса, хўжаликни мустаҳкамлаш мумкинми?

Бу йил областимиз пахтакорлари мўл ҳосил етиштириб, областимизнинг илғариги шуҳратини тиклаймиз деб филокорона меҳнат қилмоқдалар. Карл Маркс номли колхоз аъзолари ҳам пахтанинг ҳосилдорлигини кескин ошириб, областимиз бўйича 460 минг тонна пахта ҳосили етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшишлари керак. Агар колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ана шу курашга чинакамига раҳбарлик қилсалар, колхозчиларнинг ишлаши, дам олиши учун яхши шароитлар яратиб берсалар, ўзаро ёрдам, беғаразлик, бепарволик кайфиятларига батамом чек қўйилса, олинган социалистик мажбурият сўзсиз бажарилади.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЮКСАК МАДАНИЯТ УЧУН

„Таштрансмаш“, „Таштекстильмаш“, „Ташкенткабель“ заводлари, тўқимачилик комбинати ва 1-пойафзал фабрикаси коллективларининг Тошкент шаҳар саноат ва транспорт ходимларига

МУРОЖААТИ

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съездининг тарихий қарорларидан руҳланиб ва КПСС Марказий Комитетининг шу йил 24 июнда очиладиган Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашиб, ишлаб чиқаришда юксак маданият учун, илгор технологияни жорий этиш, оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни автоматлаштириш ва механизациялаш, ишчиларга зарур санитария гигиена шароитини вужудга келтириш учун бошланган ҳаракатга қўшиламиз. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС XXI съездининг саноатда ва қурилишда комплекс механизацияни жорий қилиш, саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ошириш ва унинг таннархини камайтириш ҳамда қурилиш қийматини камайтириш мақсадида эскириб қолган асбоб ускуналарни, штамп ва инструментларни янгилаш тўғрисидаги қарорларини ҳаётга ошириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилади.

Биз, «Таштрансмаш», «Таштекстильмаш», «Ташкенткабель» заводлари, тўқимачилик комбинати ва 1-пойафзал фабрикаси коллективлари ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига етти йиллик планни барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммамизга қуйидаги қўшимча мажбуриятларни оламиз.

«ТАШТРАНСМАШ» ЗАВОДИ

Шу йилнинг III кварталида олтита қолиплаш машинасини ўрнатиш ва ишга тушириш; IV кварталда қуюв цехида қуйилмани қолиндан туширишни механизациялаш; йилнинг иккинчи ярмида 13 та металл қирқиш станогини модернизация қилиш;

1960 йилда механизациялаштирилган бўёв цехини қуриб битказиш ва ишга тушириш, III кварталда деталларни ташиш учун қўшимча учта электрокарни ишга солиш, IV кварталда механика цехида икки тонна юк кўтара оладиган кран-балка ўрнатиш; клапанлик пластинни чиниқтириш учун ярим автомат тайёрлаш ва IV кварталда ишга тушириш; III кварталда холодильник секцияси деталлари пластинини штамповка қилиш вақтида лентани механик йўл билан узатиб бериш усулини жорий қилиш; поршань гилдираклари сифатини назорат қилиш учун III кварталда ярим автомат тайёрлаш, май ойида 11-цехни ёритишни реконструкция қилиш, III кварталда йиғув цехида электр-пайванд ва газ-пайванд бўлимларининг вентиляциясини реконструкция қилиш; май ойида кимё лабораториясининг иккинчи қисмини ускуналаш ва ишга тушириш; IV кварталда чўян қуйиш цехи, мис эритиш ва термик бўлимларининг вентиляциясини реконструкция қилиш, июнь ойида ҳамма ёзлик қизил бурчаклар ва цехларни радиолаштиришни тугаллаш, 20 квартирали бешта уй-жой биносини июль ойида қуриб битказиш ва 50 квартирани газлаштириш, кузда завод ҳовлисига камида 1.500 та мевали дарахт, мингта атир гул, 500 та пион гул кўчати ўтказиш, ҳаммаси бўлиб икки минг квадрат метр йўлкага асфальт ётқизиш;

асбоб-ускуналарни ва иш жойларини, шунингдек завод ҳовлисини намунали тартибда сақлаш ишларини амалга ошириш.

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ

1959-1960 йилларда 5-механика цехида деталларни бир станокдан иккинчи станокка узатиб берадиган конвейерни жорий этиш; йиғув цехида маҳсулотни тозалаш, бўяш ва қуритишни комплекс механизациялаштириш юзасидан барча ишларни тугаллаш; ҳамма цехларда иш жойлари ёнига деталларни жойлаш ва сақлаш учун ўлчов идишлари, стеллажлар ўрнатиш;

қуюв цехининг охирги ишлов бериш бўлимида кўл ишларини механизациялаш юзасидан барча зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

1959-1960 йилларда 1- ва 5-механика цехларидан қириндиларни шнекли транспортёрлар ва бошқа механизмлар ёрдамида чиқариб ташлашни амалга ошириш, 1- ва 5-механика цехларида иш жойларини салқинлаштиришда эмульсияларни марказлашган тарзда етказиб берадиган установка қуриш ва бундай эмульсияларни қўлда ташиб келтиришга тамомила барҳам бериш;

металлни тежаш ва маҳсулот тайёрлашда меҳнат сарфини камайтириш учун машиналарнинг мумкин қадар кўпроқ қисмларини пластмассадан ясаш; 1959 йилда яна саккиз детални пластмассадан тайёрлашга кўчириш ва бу деталларни гидропрессда эмас, термопластавтоматда тайёрлаш; қўшимча гидропресслар ўрнатиш ва завод кучи билан тўқимачилик машиналарининг майда деталларини кўплаб тайёрлаш учун пневматик усулда ишлайдиган тўртта ихчам қуюв пресслари тайёрлаш ҳисобига пластмасса участкасининг қувватини ошириш;

технология маршрутини қисқартириш, деталлар тайёрлашнинг қисқа циклини вужудга келтириш ва участкаларни ихтисослаштириш юзасидан доимо иш олиб бориш, деталь ишлайдиган тез айланувчи пневматик ускуналарни кенг жорий этиш, қўшимча равишда яна 50 та тез айланувчи мосламани ишга тушириш, ишлаб чиқаришга йўналтирув халқалари учун штамповкаларни шарсимон заготовкадан тайёрлашни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

ўзи кўтарадиган ва таранг қиладиган роликларни тайёрлаш учун автоматик линия ясаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

1959 йил IV кварталида қуюв цехининг ишчилари учун минг квадрат метр майдонга эга бўлган янги маиший бинолар қуриб битказиш ва ишга тушириш, инструменталь цех ишчилари учун 990 квадрат метр майдонга эга бўлган маиший бинолар, ёғочсозлик, модель ва тажриба цехларининг ишчилари учун 240 квадрат метрли маиший бинолар қуриб, ишга тушириш;

бўяш-жойлаш бўлимида ишларни комплекс механизациялаш юзасидан кўрилган тадбирлар билан бир қаторда вентиляцияни реконструкция қилиш, қуюв цехининг вентиляциясини қайтадан қуриш;

1960 йилда ободонлаштириш планига мувофиқ завод майдонига асфальт ётқизиш ва уни кўкаламзорлаштириш ишларини тугаллаш, катта уй-жой бинолари атрофида обод ҳовлилар, спорт ва болалар майдончалари ташкил этиш;

завод поликлиникаси ҳузурида сув билан даволаш бўлимини ускуналаш ва уни 1959 йилда ишга тушириш

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИ

1959 йилда резина аралашмаси тайёрлайдиган ярим автомат линиясининг биринчи навбатини қуриб битказиш ва ишга тушириш; «АНВ-115» маркали яна бир узлуксиз вулканизация агрегатини монтаж қилиш ва ишга тушириш; резина қоришмасини тинитиш омборига ва ундан иш агрегатларига ташиб беришни комплекс механизациялаш, «АНВ-1» типидаги узлуксиз вулканизация агрегатларида симларга резина қоплашнинг кўп тармоқли усулини ўзлаштириш;

симларни ортиқча ўрашга барҳам бериш мақсадида бортининг диаметри 400-500 миллиметр бўлган ғалтакка сим ўраб, изолация қилувчи машинанинг ўраш қисмини модернизация қилиш;

мис симни ўраш бўлимида машиналарга эмульсия етказиб беришни марказлаштириш, катанкани олиб кетиш ишларини механизмлар ёрдамида бажаришни кўзда тутган ҳолда, иш технологиясини такомиллаштириш, катанкаларни бир-бирига совуқ ҳолатда пайвандлаб улайдиган машиналарни тайёрлаш ва ўзлаштириш, троллейбус симларини механизациялашган тартибда ишлаб чиқаришни бир жойда марказлаштириш.

«КРВ-60» маркали прессни монтаж қилиш ва ишга тушириш йўли билан кабелларга кўрғошин қоплаш сифатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш; алюминнинг оғир эритмаларини прокат қилишни ўзлаштириш ишларини амалга ошириш, бунинг учун прокат стани ва моталкаларнинг механизмларини реконструкция қилиш; бронемашинада вентиляция ўрнатиш билан бир вақтда унинг коробкаларига битум узатиб беришни механизациялаш;

мавжуд бинолардан мумкин қадар тўла фойдаланиб, 30-цехнинг маиший биносини бўшатиб бериш ва ундан белгиланган мақсад учун фойдаланиш;

завод майдонида маданий тартиб ўрнатиш учун шу йилнинг бир июлигача бўшаган идишларнинг ҳаммасини махсус ажратилган жойга тўплаш, 12-цех ва гараж атрофидаги мувақкат биноларни кўчириш, шу йилнинг кузида 1.500 туб атиргул, 3минг туп кўп йиллик гуллар ва 350-400 туп мевали дарахт ўтказиш, 55- ва 11-цехлар орасидаги юк ортиш майдончасига бетон ётқизишни тугаллаш.

ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

Пилталарни арқоқ йигириш цехига ташишни ва биринчи йигирув цехида титиш машинасидан тушган чиқитларни чиқариб ташлашни механизациялаштириш;

ускуналарни ремонт қилиш ва мойлаш сифатини яхшилаш йўли билан цех ва бўлимларда шовқинни камайтириш, комбинатнинг ҳамма корхоналарида санитария-техника ускуналарини капитал ремонт қилиш, пахта, калава ип ва машина ип, тайёр мол ва бўёқларни ташишни механизациялаш, пилталарни йигирув машинасига узатиб берадиган электротранспортёрлар ўрнатиш, юзта тароқ машинаси ва 1.500 та тўқув станогини модернизация қилиш;

комбинатнинг ҳамма корхоналарида диспетчерлик алоқасини жорий этиш;

газламаларга пардоз беришда технология процессини янада такомиллаштириш йўли билан биринчи сортли маҳсулот беришни 1958 йилда эришилган даражадан 0,8 процент кўпайтириш;

тўқув фабрикаларида салқин ҳаво берадиган қўшимча вентиляторлар ўрнатиш, цехларда хароратни пасайтириш мақсадида сув билан совутиб турадиган электр моторлар ўрнатиш, 2-фабриканинг йигирув цехини люминисент воситаси билан ёритиш, корхоналарнинг цехлари ва бўлимларида ҳаво ва ёруғликнинг нормал бўлишига риоя қилиш;

иш жойлари, асбоб-ускуналар, инструмент ва ёрдамчи материалларни намунали тутиш;

комбинат майдонини яна ҳам кўкаламзорлаштириш ва ҳамма кўкатларни сақлаб қолиш.

1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ

Штамповка цехида кўп линияли горизонталь-биқиқ конвейер ўрнатиш билан ҳамма ишларни конвейерлаштириш, штамповка цехини икки сменада ишлашга кўчириш учун бешта пресс тайёрлаб ўрнатиш;

махсус юк кўтаргич ўрнатиш йўли билан пойафзални 5-цехдан тайёр маҳсулотлар омборига ташишни механизациялаш. Шундай қилиб, пойафзал ташиш дастлабки процессдан то омборга боргунча комплекс механизациялаштирилади. Таг чармлик молларни омбордан штамплаш цехига махсус транспортёр ёрдамида чиқариб бериш йўли билан бу ишни механизациялаш, асосий ишлаб чиқариш цехларини ускуналаш учун 150 дона бир хил ишчи мебели тайёрлаш, цехларда вентиляция системасини яхшилаш юзасидан ҳамма ишларни май-июль ойларида тугаллаш;

фабриканинг қозонхонасини 1960 йилдан бошлаб газ билан иситишга кўчиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юбориш; шу кварталда 5-цехнинг иссиқ вулканизациялаш биринчи потогида пойафзалнинг бошлиғини омбирда елим билан қолипга тортишни жорий этиш; 6-цехда мактаб ёшидаги болаларнинг ёпиқ типдаги пойафзалини қолипга тортмасдан тикишни ўзлаштириш ва йил охиригача камида 200 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш, рантли пойафзал ишлаб чиқаришда юқори сифатли «НТ» елимидан фойдаланишни ўзлаштириш, йил охиригача турли хил пойафзалларнинг камида 20 та янги моделини жорий этиш;

фабрика майдонини обод қилиш мақсадида икки минг квадрат метр майдонга асфальт ётқизиш, фабрика ҳовлиси ва цехларини озода ва саранжом сақлаш.

Биз ўз зиммамизга ана шу мажбуриятларни олиш билан Тошкент шаҳридаги барча саноат ва транспорт ходимларини бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришда юксак маданият ўрнатиш учун, завод ва фабрикалардаги ҳар бир иш жойи, участка ва цехда, шунингдек уй-жой бинолари ва муассасаларда тозалик ва тартиб ўрнатиш учун бошланган ҳаракатга қўшилишга чақирамиз.

Бутун кучни етти йиллликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этайлик!

Кўплаб материал тежалмоқда

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съезди мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган совет кишиларини ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга чақирди.

Бунга жавобан, мамлакатимиздаги илғор саноат корхоналари коллективларининг ташаббуси билан иқтисод қилинган материал ва хомашёдан «Етти йиллик фонди» ташкил этиш ҳақида умумхалқ ҳаракати бошланиб кетди. Бу ҳаракатга қўшилган Тошкентдаги 1- пойафзал фабрикасининг коллективи давлат маблағлари, хомашё ва ёрдамчи материалларни тежаб-тергаб сарфлаш учун социалистик мусобақани кун сайин қизитиб бормоқда.

Кўпгина бригадалар бу соҳада ажойиб натижаларни қўлга киритдилар. Ўртоқ Абдураҳмонов бошчилик қилаётган бичувчилар бригадаси илғор иш методларини қўлланиш натижасида шу йилнинг ўтган 4 ойи давомида 250 минг квадрат дециметр чарм тежаб қолди. Бу билан бригада аъзолари «Етти йиллик фонди»га 275 минг 280 сўм маблағ қўшдилар.

Ўртоқ Сидоров бошчилигидаги бригада аъзолари ҳам хомашёни кўплаб тежамоқдалар. Улар биринчи кварталда чармни тежаш бўйича фабрикада энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бригада 205 минг 350 квадрат дециметр чармни иқтисод қилди ва корхонага 200 минг сўмдан ортиқроқ фойда келтирди.

Моҳир бичувчилардан Иброҳимов, Корнеев, Вдовина сингари ўртоқлар ҳар сменада 200 — 250 квадрат дециметр кўнни иқтисод қилиб, ўз касбдошларига ўрнак бўлмоқдалар.

Г. АЛЬМУҲАМЕДОВ.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА



Тбилиси. Грузия ССР Фанлар академияси Физика институтининг илмий-текшириш атом реакторини қуриш ишлари тамомланиш арафасида. Бинокорлар марказий физика залини қуриб бўлдилар. Суратда: атом реактори монтажининг умумий кўриниши.

Г. Вахтангадзе фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ЛАТВИЯ БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

РИГА. 40 йил муқаддам Латвия Совет ҳукуматининг қарори билан бошқа маданий-оқартув ташкилотлари билан биргаликда Бадиий академияга асос солинган эди. Унинг қучоғидан А. Бриеде, Э. Калнинь, К. Земедга, А. Эгле, О. Калейс, Э. Илтнерс ва бошқа кўпгина машҳур талантли латиш рассомлари етишиб чиқдилар. Ҳозир Бадиий академияда 105 студент — ёш рассом, график, ҳайкалтарош, керамиклар ўқимоқда.

Латвия пойтахтида Бадиий академиянинг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Унда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Латвия КП марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Э. Калнберзин, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг раиси К. М. Озолинь, Латвия КП Марказий Комитетининг секретари А. Я. Пельше иштирок этдилар.

Совет тасвирий санъатини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун Латвия ССР Олий Совети Президиуми профессор О. Скулма ва К. Убанга Латвия ССР халқ рассоми, профессор Э. Мелдерис ва доцент П. Упитусга Латвия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий ном берди.

ҚОЗОҒИСТОН ДЕНДРАРИЙИ

Қозоғистон ССР ҳукуматининг қарорига биноан Олмаотадан 45 километрлик жойда ҳар хил дарахтлар ўстириладиган тажриба-кўргазма дарахтзори ташкил қилинади. Унда ўрта кенгликларда ўсадиган ҳамма навдаги дарахтлар ва буталар бўлади. Қозоғистон территориясида дарахтзорлар барпо этиш юзасидан етти йиллик планда кўзда тутилган йирик ишлар муносабати билан турли навдаги дарахтларни селекция қилиш ва иқлимга мослаш соҳасида илмий текшириш ишлари ўтказилади. Шу билан бирга дендрарий олий ўқув юртлари ва техникумлардаги ўрмончилик факультетларининг студентлари учун лаборатория бўлади. (ТАСС).

МАТЕРИАЛЛАРНИ ТЕЖАШ УЧУН МУСОБАҚА

ФРУНЗЕ. Агар Фрунзе трикотаж фабрикаси ўзи ишлаб чиқараётган ҳар бир буюмни ишлаш вақтида атиги бир грамм ипни тежаса, йилига 560 минг сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлаб бериши мумкин. Фабрикада материалларни тежаш учун мусобақа кенг қизиб кетди. Буни бичувчи Полина Складчикова бошлаб берди.

Фабрика тежалган газламадан тайёрланган дастлабки йигирма минг трикотаж буюмни савдо ташкилотларига топширди.

ТУРКМАНИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИ РАДИОЛАШТИРИЛМОҚДА

АШХАБОД. Ҳозир Туркманистонда ҳамма шаҳарлар, район марказлари ва ишчи посёлкалари радиолаштирилди. Колхозларнинг ўзидагина 152 та радиоузел қурилди. Қишлоқларда радио қабул қиладиган установкалар сони 1940 йилдагига нисбатан 16 баравар кўпайди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

Ишлабчиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга кенг йўл!

☆ ☆

Реконструкция ишлари тезлаштирилсин

КПСС XXI съезди янги саноат корхоналари қурилиши билан бирга, мавжудларини реконструкция қилиш, улардаги эски ускуналарни янгилари билан алмаштириш ва модернизациялаш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди. Бу масала КПСС Марказий Комитетининг шу йил 24 июнда бўладиган Пленумида ҳам муҳокама қилинади.

Бу эса корхоналарни реконструкциялашга катта аҳамият берилаётганлигини яна бир бор кўрсатиб турибди. Аммо айрим корхоналарни реконструкция қилиш, жумладан Бекобод цемент комбинатини кенгайтириш ишлари кўнгилдагидек бормаётир.

Реконструкция ишларини олиб бориш 32-қурилиш трестига қарашли 704-УНР коллективи зиммасига юклатилган эди. Трест ва бошқарма раҳбарлари дастлабки вақтларда бу ишга қизғин киришдилар. Қурилишни етарли ишчи кучи, бинокорлик механизмлари, транспорт воситалари билан тўла таъминладилар. Натижада реконструкция ишлари тез суръатлар билан олиб борилди. Бинокорлар коллективи шу йилнинг март ойида катта муваффақиятни қўлга киритди. 2 та янги цемент тегирмони фойдаланишга топширилди. 14 мартда эса 118 метрлик янги айланиш печини монтаж қилиш тугалланди. Шундай қилиб, комбинатда янги технология линиясини ташкил этувчи бу объектлар цемент ишлаб чиқара бошладилар.

Трест ва 704-УНР раҳбарлари эришилган бу дастлабки ютуқдан хотиржамланиш кайфиятига берилиб кетдилар, бу муҳим ишга етарли эътибор бермай қўйдилар. Ишчи кучини бошқа объектларга ўтказдилар. Бу эса 2-технология линияси объектларини қуриш ва агрегатларни монтаж қилиш ишларининг судралиб кетишига сабаб бўлаётир.

Комбинатдаги хомашёни майдаловчи эски цех биноси бузилиши керак эди. Ҳозирги вақтда эса бу ерда фақатгина икки бинокор ишламоқда. Вақоланки, бу ишни белгиланган муддатда тугатиш учун камида 30 киши ишлаши керак. Аҳвол шундай давом этадиган бўлса, эски цех биносини бузиш ишлари чўзилиб кетиб, бу билан унинг ўрнида олиб бориладиган монтаж ишларини кечиктириб юбориши мумкин.

Бу ерда қурилиш механизмларидан фойдаланишдаги камчиликларни алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Тўғри, реконструкция ишларида қудратли бинокорлик механизмлари, жумладан экскаваторлар, 10 тонна юк кўтарадиган кранлар, бульдозер ва бошқа агрегатлар бор. Аммо бу механизмлар иш вақтида кўпинча бекор туради.

Айниқса транспорт воситалари, жумладан автомашиналарнинг етарли бўлмаслиги реконструкция ишларининг секин боришига олиб келмоқда. Иш куни давомида фақатгина 2-3 та самосвал машиналар ишлайди. Вақоланки, бу ерда кам деганда 10 та автомашина ишлаши керак. Бу соҳадаги камчилик қурилиш майдонида қазиб чиқарилаётган тупроқни отвалга ташиш, бинокорларни эса зарур қурилиш материаллари билан ўз вақтида етарли миқдорда таъминлаш имконини бермаётир. Масалан, комбинатда махсус бетон узели ишлаб турибди. Бу, реконструкция қилинаётган объектларни бетон билан таъминлашни қулайлаштириши мумкин эди. Лекин транспорт воситаларининг етарли бўлмаслиги натижасида узел кўпинча бекор туриб қолади, бетон эса қурилиш майдонларига 3-4 соат кеч етказиб берилади. Бунинг натижасида ишчилар кўпинча бекор туриб қолмоқдалар. Оқибатда реконструкция ишлари суръати пасайиб, қурилиш харажатлари эса ошиб кетмоқда. Ҳозирги вақтда ҳар бир бинокор ўрта ҳисобда смена топшириқларини 50 процент бажараётир, холос.

Бекобод цемент комбинати 2-технология линияси шу йилнинг учинчи кварталида фойдаланишга топширилиши керак. Аммо реконструкция ишларининг ҳозирги суръати билан бу линияни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш мумкин эмас. 32-қурилиш трести ва 704-УНР раҳбарлари реконструкция суръатини тезлаштиришлари, бунинг учун эса юқорида кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф қилишлари лозим.

Р. КУЗНЕЦОВА, И. КОРОЛЕВ.

Чилонзор массивида меҳнат қилаётган, КПСС аъзоси Раҳим Зияев бошлиқ бригадасининг аъзолари КПСС Марказий Комитетининг шу йил 24 июнда очиладиган Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Суратда: бригада бошлиғи Р. Зияев (пастда) илғор ғишт терувчи Р. Назаров билан девор рахини кўздан кечирмоқда.

М. Турсунхўжаев фотоси.

ОҒИР ИШЛАР ЕНГИЛЛАШМОҚДА

Янгийўл ғишт заводининг коллективи етти йиллик давомида ишлаб чиқариш майдонини кенгайтирмасдан ғишт тайёрлашни 20 миллион дона, газчни икки баравардан зиёдроқ кўпайтириш учун курашмоқда.

Бу вазифани беками-кўст бажариш учун астойдил бел боғлаган ишчилар иш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Жумладан, бир қанча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширилди. Ҳозирги вақтда 3-ғишт заводида янги тунель сушилкаси қурилаётир. Бу ҳар суткада деярлик 120 минг дона хом ғиштни қуритиш имконини беради. Ғиштни транспортировка қилишда автоматик қатнаб турадиган вагонеткалардан фойдаланилади. Шу билан бирга гипс ва алибастр цехлари реконструкция қилинади,

М. АБДУЛЛАЕВ.

БИР ИШЧИ 4 СТАНОКНИ БОШҚАРАДИ

«Ташсельмаш» заводи 15-цехининг технологи ўртоқ П. А. Махров жуда кўп рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларининг авторидир. У, заводда ишлай бошлаганидан бери 10 га яқин қимматли таклифлар билан чиқди. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга ёрдам берди. Яқинда ўртоқ Махров СХС-1,2 маркали пахта териш машинасининг шпинделлари тайёрлаладиган ИЕ-61 маркали станокни такомиллаштириш ҳақида таклиф киритди ва уни амалга оширди. Илгари бир ишчи сменада 1000 дона шпиндель тайёрлаган бўлса, эндиликда 1,5 мингта тайёрлайдиган бўлди. Станок автоматлаштирилганлиги сабабли бир киши 3-4 станокни бошқара олади.

К. АБДУҲОЛИҚОВ.

Шахтёрлар талаби

Ер остидан саноатнинг нони қора олтин қазиб чиқараётган шахтёрларнинг меҳнат шароити тобора яхшиланмоқда. Биз қисқартирилган иш куни асосида меҳнат қилмоқдамиз.

Кўмир қазиб чиқаришда ажойиб агрегат ва ускуналар меҳнатимизни енгиллаштирмоқда. Ҳозирги вақтда шахтамизда жуда кўп кон механизмлари, жумладан транспортерлар, электровозлар, пармалаш ускуналари ва шу каби бошқа ўнлаб механизмлардан фойдаланилаётир. Бу, иш шароитимизни яхшиламоқда, меҳнатимизни баракали қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида муҳокама қилинадиган масала ҳаммамизни жуда хурсанд қилди. Чунки бу масалалар ҳар биримизнинг қалбимизга яқин. Механизация ва автоматизацияни кўплаб жорий қилиш ишимизни янада енгиллаштиради.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бизда шу вақтгача кўмир комбайнидан фойдаланиш йўлга қўйилмаётир. Ваҳоланки, бу агрегат мамлакатимизнинг деярлик барча кўмир ҳавзаларида ишлаб турибди. Коллективимизнинг бу ҳақдаги илтимоси ҳамон амалга оширилмаётир.

Республика Госплани ва Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши шахтамизга комбайн етказиб бериш ҳақида ҳар йили ваъда берадилар. Аммо улар ўз ваъдаларининг устидан чиқмаётирлар. Бундай ваъдабозликка хотима бериш вақти етиб келгандир энди. Кончиларимиз комбайннинг келишини тоқатсизлик билан кутмоқдалар.

М. АЛИЕВ,
Оҳангарондаги 9-шахта навалоотбойчиси.

Қўлда бажариладиган ишлар механизациялаштирилсин

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съездининг тарихий қарорларида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш натижасидагина мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планини муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Партия Марказий Комитети КПСС XXI съездининг бу кўрсатмасига амал қилиб, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш масаласини ўзининг махсус Пленумида кўришни лозим топди. Бу партиямизнинг миллионлаб ишчилар ва колхозчиларнинг фаровонлигини янада ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг яна бир тимсолидир.

«Узбекхлопкомаш» заводида кейинги йилларда ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш юзасидан кўпгина ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Бир қанча янги машина ва агрегатлар ишга туширилди, мавжудлари модернизация қилинди. Натижада иш шароити яхшиланди, меҳнат унумдорлиги ошди, маҳсулот таннархи эса камайди.

Аммо шу билан бирга ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Корхона маъмурияти белгиланган ташкилий-техника тадбирларини муттасил амалга оширмаётир, янги техникани жорий қилиш масаласи билан етарли шуғулланмаётир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз пахтакор республикаларини муҳим агрегатлар билан таъминлаб турувчи бу йирик корхонада кўпгина иш процессларини қўлда бажарилаётир. Ҳисоблар шуни кўрсатдики, заводда иш процессларининг деярлик 60 процентини қўл кучи билан бажарилмоқда.

Ишлаб чиқаришда пайвандлаш катта ўрин тутади. Чунки бу ерда темирчилик ва ғозон-пайвандлаш ишлари ишлаб чиқариш ҳажмининг деярлик 80 процентини ташкил этади. Афсуски, бу иш процессларининг асосий қисми ҳеч қандай механизм ёрдамисиз бажарилмоқда. Ваҳоланки, бу ишда механизмлардан кенг фойдаланиш учун етарли шароитлар бор. Корхона маъмуриятининг айби билан не машқкатлар билан олинган янги пайвандлаш механизмлари ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий қилинмаётир. Масалан, ҳозирги вақтда заводда иккита ярим автомат пайвандлаш аппаратлари бекор ётибди. Ваҳоланки, бу аппаратларни ишга туширишпайвандлаш ишларини тезлаштириш, унинг сифатини яхшилаш имконини беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш процессларини механизациялашда ремонт-механика цехи катта роль ўйнаши керак. Бундай цехларда корхона ишлаб чиқараётган машина ва ускуналарни, айрим детал ва узелларни ишлаш ва йиғишни енгиллаштиришга ёрдам берадиган турли хил мосламалар тайёрланади. Лекин цех маъмурияти янги мосламалар тайёрлаш ишига бепарволик билан қарамоқда. Бу ерда ишлайдиган 70 кишидан фақат 10 ишчигина янги мосламалар тайёрлаш билан маштул бўлаётир.

Корхона маъмурияти мосламалар тайёрлаш ишига эътиборни кучайтириши ва бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни тезликда бартараф қилиши лозим.

Машина ва агрегатларнинг вазнини камайтириш бўйича ҳеч қандай иш олиб борилмаётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Ваҳоланки, бу масала ҳар бир коллективнинг диққат марказида бўлиши лозим. Чунки ишлаб чиқарилаётган ускуналарни такомиллаштириш унинг таннархини камайтиришга, кўплаб материал ва хомашёларни тежаб қолишга ёрдам беради.

Рационализатор ва ихтирочилар, ишлаб чиқариш новаторлари ўзларининг қимматли таклифлари билан иш процессларини механизациялашда катта роль ўйнайдилар. Аммо «Узбекхлопкомаш» заводида ихтирочилик ҳаракатини кенгайтиришга етарли эътибор берилмаётир. Тушган таклифлар ўз вақтида кўриб чиқилмайди.

Ўтган йили бош механик бўлими ҳузурида механизация группаси ташкил этилган эди. Аммо у шу вақтга қадар зарур ихтисосдаги мутахассислар билан тўла комплектланмаётир. Натижада бу группа ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техникани кенг жорий қилиш юзасидан ўз олдида турган муҳим вазифаларнинг уддасидан чиқа олмаётир.

Бу ерда ишлаб чиқариш участкаларини технологик ва маршрут карталари билан таъминлашдаги камчиликларни қайд қилиб ўтиш керак. Карталарнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги технологиядан четга оғиш ҳолларининг содир бўлишига, маҳсулотнинг кўплаб бракка чиқишига сабаб бўлаётир.

Корхонада ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш масаласида бундай камчиликларнинг мавжудлиги Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик бошқармаси раҳбарларига ҳам маълум. Аммо улар бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан корхона коллективига зарур ёрдамни кўрсатмаётирлар.

Ғ. ВАЛИЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Лекция пропагандаси кучайтирилмоқда

Тошкент тўқимачилик комбинати партия ташкилоти комбинат ишчи-хизматчилари ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида лекция пропагандасига алоҳида аҳамият бераётир. Комбинат корхоналарида турли темаларда мунтазам равишда лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади.

КПСС XXI съезди материалларини ўрганиш юзасидан циклли лекциялар уюштирилди. Шу кунгача съезд материаллари юзасидан 60 дан ортиқ лекция ўқилди. Бундан ташқари илмий-атеистик, коммунистик тарбия, фан ва техника янгиликлари ҳамда бошқа кўпгина темалар юзасидан шу йилнинг 4 ойи ичида комбинат меҳнаткашлари 200 дан ортиқ лекция тингладилар. Лекцияларни ўқишга комбинатда ишловчи мутахассислар ва малакали лекторлар жалб қилинган.

Ўтказилаётган лекциялар мазмунли бўлгани ва маҳаллий фактлар билан боғлангани учун ишчи-хизматчилар томонидан зўр қизиқиш билан тингланмоқда.

К. РЎЗИЕВА.

АГИТАТОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз клубида район агитаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилоти секретарлари, пропагандистлар ва агитпункт мудирлари ҳам иштирок этдилар. Район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Нишонбоев «Етти йилликнинг биринчи йили бўлган 1959 йилда район олдида турган вазифалар ва уни амалга ошириш учун курашда агитаторларнинг иштироки ҳақида» доклад қилди.

Йиғилишда К. Маркс номли колхоз партия ташкилоти ҳузуридаги агитпунктнинг мудири С. Саидов, Тельман номли колхоз агитколлективининг аъзоси М. Ойдинов, район маданият бўлимининг мудири Б. Маҳрапов ўртоқлар район меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари қандай олиб борилаётгани, бу соҳадаги ижобий тажриба, шунингдек йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида гапириб бердилар.

Йиғилиш охирида колхозчилар, саноат корхоналари ва совхоз ишчилари ўртасида сиёсий агитация олиб боришда алоҳида намуна кўрсатган агитаторлар тақдирланди.

У. УМАРОВ.

Атеист пропагандистлар семинари

Яқинда область комсомол комитети сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият область бўлими билан биргаликда атеист пропагандистларнинг уч кунлик семинарини ўтказди.

Семинарда 60 дан ортиқ атеист лекторлар, комсомол пропагандистлар қатнашди. Улар область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Н. Жалоловнинг «КПСС XXI съезди қарорлари муносабати билан идеология ишларини кучайтириш вазифалари» ҳақидаги докладини тингладилар.

Семинар қатнашчилари учун «Ислом динининг синфий моҳияти», «Мўъжизасиз мўъжиза», «Ҳаётнинг ва инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида фан ва дин» сингари актуал темаларда лекциялар уюштирилди.

Семинар охирида лектор ва пропагандистлар ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

С. ХУСАНОВ.

ЯХШИ ТАШАББУС

Бошланғич партия ташкилоти ишлаб чиқаришдаги асосий раҳбар куч. Унинг ташкилий ва сиёсий фаолияти ни кучайтириш, бу соҳада унга кун сайин амалий ёрдам бериб бориш ва шу асосда хўжалик вазифаларининг муваффақиятини таъминлаш район партия комитетларининг жонажон ишидир.

Юқори Чирчиқ район партия комитети буни эътиборга олиб, бошланғич партия ташкилоти секретарлари билан ишлаш, уларнинг партиявий ишни олиб бориш ва хўжаликка раҳбарлик қилиш маҳоратини ошириш масаласи билан чиниқиш шуғулланаётир.

Бу ерда бошланғич партия ташкилоти секретарлари билан ой сайин семинар ўтказиб турилади. Семинар машғулотларида одатдагидек инструктаж доклад қилиш, номига бир-икки секретарнинг ташкилий ва сиёсий ишларни олиб бориш тажрибаси ҳақидаги сўзини эшитиш билангина қаноат ҳосил қилинмайди, балки бошланғич партия ташкилоти фаолиятидаги ижобий томонлар яхшилаб ўрганилади. Айни вақтда ишдаги камчиликлар ҳам эътибордан четда қолдирилмайди, унинг сабаблари биргаликда аниқланади. Ана шу камчиликларни бартараф қилиш йўллари белгилаб олинади. Бу соҳада семинар қатнашчиларига райком ходимлари кўмаклашадилар.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилоти секретарлари билан ишлашнинг янги форма ва методларидан фойдаланаётир. Бу ерда «Партия ходимига ёрдам хонаси» ташкил этилган. Хонада алоҳида справочник, партия ташкилотларининг амалий иш фаолиятига тааллуқли хилма-хил материаллар бор. Хонага алоҳида эътибор билан ишланган ва район хўжалигининг ривожланиш перспективасини кўрсатувчи диаграмма, экспонатлар, альбомлар ва витриналар қўйилган. Буларнинг ҳаммаси бошланғич партия ташкилоти секретарларига партиявий раҳбарликни яхши йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришда тузук натижаларга эришишни таъминлаш йўлларини тўғри белгилаб олиш имкониятини беради.

Жумладан, «Ишлаб чиқариш илғорларининг энг яхши иш тажрибасини ўрганингиз!» деган витринада илғорларнинг портретлари қўйилган ва улар ўзлари ишлаб турган участкада ишни ташкил қилиш методлари тўла баён этилган. Бу витрина қишлоқ хўжалик ишларининг мавсумига қараб янгилаб турилади ва ундаги кишиларнинг портретлари ҳамда уларнинг иш методлари ҳақидаги ёзувлар алмаштириб борилади.

Хонада партия ички хўжалигини тўғри юритишга ўргатувчи кўпгина материаллар ҳам бор. Махсус витринада КПСС аъзолигига ва кандидатлигига кирувчи киши учун анкетани, аъзолик бадалларини қабул қилиш ведомостини тўғри тўлгазиш ва аъзолик бадалларига тааллуқли барча ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, партиянинг аъзо ва кандидатларини ҳисобга олиш дафтарини, коммунистларни ҳисобга олиш юзасидан маълумотларга ўзгартишлар киритишни ва коммунистларни бир ташкилотдан иккинчи ташкилотга кўчириш юзасидан тўлдириладиган ариза формасини тўғри расмийлаштириш йўллари кўрсатилган.

Яна хонада партия қурилишига ва мамлакатдаги партия ташкилотлари иш тажрибасини ўрганишга тааллуқли жуда кўп сонли брошюра ҳамда справочниклар ҳам мавжуд. Уларнинг бир қисми агитация-пропаганда ва оммавий-оқартув ишларини олиб бориш методларига тааллуқлидир. Алоҳида витринага қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг илғор кишилари тажрибаси ҳақида газета ва журналларда босилган мақолалар қўйилган.

Район партия комитетининг ташкилот бўлими бюро мажлислари ва партия йиғилишларида қабул қилинган қарорлар, бошланғич партия ташкилотларида тузилган намунавий иш планларини йиққан ва уни алоҳида жойга қўйган. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ана шу материаллардан намуна олиб, партия бюроси ва партия йиғилишларида муҳокама қилинадиган масалаларни қандай тайёрлаш ва муҳокама қилинган масала юзасидан тўғри қарор қабул қилиш, партия ташкилоти учун муҳим бўлган асосий масалаларни эътибордан четда қолдирмаслик йўлларини амалда ўрганишлари мумкин.

Шунингдек, партия ташкилотининг секретари ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ишини тўғри планлаштириш ва колхоз, совхоз ҳамда саноат корхонасининг фаолиятига тааллуқли бўлган барча муҳим масалаларни эътибордан четда қолдирмаслик имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, хонада партия ташкилоти секретарларига ўзларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасидаги билимларини оширишда ёрдам берадиган бой материал ҳам бор. Жумладан, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва уларга қарши курашни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса пахта ва луб экинлари ҳосилини етиштириш агротехникасига оид қимматли материаллар шулар жумласидандир.

Район партия комитети партия иши тажрибасини оммалаштириш мақсадида махсус бюллетень чиқараётир. Бюллетеннинг бир сонида Свердлов номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Т. В. Эмнинг мақоласи берилиб, унда партия ташкилотида тўпланган иш тажрибаси ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берилган. Шунингдек, бюллетенда Янгибозор жут-канап заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Е. Дубовикнинг завод партия ташкилоти касаба союз комитетига қандай раҳбарлик қилаётганлиги ҳақидаги, 16-ўрта мактаб партия ташкилотининг секретари ўртоқ В. Д. Лимнинг мактабни қайта қуришга бағишланган «Ўқувчиларнинг жамоат-фойдали меҳнати ва мактаб партия ташкилоти» сарлавҳали мақолалари берилган. Ҳозирги вақтда бюллетеннинг навбатдаги сонини чиқариш учун тайёргарлик кўрилаётир.

Юқори Чирчиқ район партия комитети бошлаган ташаббус қўллаб-қувватланишга ва кенг оммалаштиришга сазовордир.

И. КОСОЙ,
область партия комитетининг инструктори.

Қисқа сатрларда

* **Тошкент.** М. Горький номли театр артистлари яқинда тўқимачилик комбинати Маданият саройи саҳнасида ишчи-хизматчиларга «Тошуя» ва «Бахт қидириб» спектаклларини кўрсатдилар. Бу пьесаларни 1000 дан ортиқ киши тамоша қилди.

М. Ниёзов.

* **Бўстонлиқ.** Район марказида янги катта қизил чойхона очилди. Иссиқ овқатлар ҳам тайёрланадиган бу чойхона марказдаги ишчи-хизматчиларга яхши хизмат қилмоқда.

Т. Фзалов.

* **Чирчиқ.** Шаҳардаги қаттиқ қотишмалар заводи ва 160-қурилиш трести ишчи-хизматчиларининг болалари учун 100 ўринлик ясли очилиб, ишга туширилди.

Т. Сихарулидзе.

* **Бекобод** ГЭСи яқинидаги механизациялашган ўрмон хўжалигида ҳар йили кўплаб дарахт кўчатлари етиштирилади. Ўрмон хўжалиги бу йил Тошкент область районларига ва Тожикистоннинг Ленинобод областига 150 мингдан ортиқ терак ва 140 мингга яқин акация кўчатлари етказиб берди.

Б. Тайкенов.

* **Юқори Чирчиқ.** Райондаги «Ленинизм» колхозининг 10- далачилик бригадаси территориясида 5 хонали типовой ясли биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уттизга яқин бола тарбияланаётган бу муассасада етарли миқдорда кровать, кўрпа-ястиқ, ўйинчоқ ва бошқа анжомлар бор.

Т. Жўлдасов.

* **Оржоникидзе.** Киров номли колхознинг иккинчи участкасида хотин-қизлар талабига мувофиқ бичиш-тикиш тўгараги ташкил этилди. Тўгаракда 40 дан ортиқ колхозчи хотин-қиз ҳунар ўрганмоқда.

К. Ортиқов.

* **Бўка.** Райондаги 1- РТС ҳузурида 4 ойлик тракторчилар курсини 70 колхозчи тамомлаб чиқди. Ҳозир улар пахта далаларида мўл ҳосил учун курашмоқдалар.

Я. Исматов.

* **Чирчиқ.** Шаҳардаги 8- ўрта мактаб ўқувчилари 15 тонна темиртерсак тўплаб, қабул пунктига топширдилар.

Техника ўқув юртида адабиёт тўгараги

Тошкент тўқимачилик институтида чиқадиган кўп тиражли газета редакцияси ҳузурида ўзбек адабиёти тўгараги ташкил қилинди. Тўгаракка етти кишидан иборат бадиий совет сайланди.

Тўгарак бадиий адабиётга, ижодга қизиқувчи ҳаваскорларнинг билими ва маҳоратини оширишга ёрдам бериш, кўп тиражли «Тўқимачи» газетасининг сифатини янада яхшилаш ва мухбирлар сонини кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

З. СОДИҚОВ.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг битирувчи курс студентлари шу кунларда диплом проектлари устида қизғин иш олиб бормоқдалар. Суратда: доцент Б. И. Вилькевич «Сортировка станциясининг ишини ташкил қилиш» деган темада диплом проекти ишлаётган студент Маҳамаджон Турсуновга консультация бермоқда.

Э. Худойбердиев фотоси.

Институт агробиология участкаси

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти студентлари учун Тошкент районидаги Сталин номли колхоз территориясидан 10 гектар ер ажратиб берилди. Бу майдон институтнинг агробиология участкасига айлантирилди. Бўлажак педагоглар бу участкада қишлоқ хўжалиги соҳасидаги назарий билимларини мустаҳкамлаш учун ҳамма имкониятларга эга бўладилар. Бунда мевали ва декоратив дарахтлар, картошка, лавлаги, пахта, беда ва бошқа экинлар ўстирилади.

Тажриба участкасининг ботаника қисми диққатга сазовордир. Бу ерда турли қитъаларда ва мамлакатларда ўсадиган ўсимликларни топиш мумкин бўлади. Жумладан, Америка дўланаси, Мексика юккаси, сирко дарахти, оқ қайин, япон беҳиси, хитой наматайи ва бошқа жуда кўп дарахт ва ўсимликлар экилди. Табиёт факультетининг студентлари бу участкани янада бойитиш ва ундаги экинларни парвариш қилиш учун комсомоллар бригадалари ташкил қилдилар. Бу бригадалар муваффақиятли иш олиб бормоқдалар.

Илгари студентлар ботаника фанидан олган билимларини мустаҳкамлаш учун практикага Иттифоқимизнинг узоқ-узоқ жойларига борар эдилар. Энди практик машғулотлар институт агробиология участкасида ўтказилади.

М. ВАЛИХОНОВ,
А. ЙЎЛДОШЕВ,
О. ЕҚУБОВ.

Пойтахт олий ўқув юртларида

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ўрмон хўжалиги факультетининг I—III курсларини тамомлаган студентлар ишлаб чиқариш практикасини институтнинг ўзида ўтказар эдилар. Энди I курсдан бошлаб студентларнинг ишлаб чиқариш практикаси Паркент районидаги мелиорация станцияларида ўтказилади. Студентлар дарахтларни асраш, экиш, парвариш қилиш билан боғлиқ барча ишларда қатнашмоқдалар.

А. Данилин.

* * *

Тошкент Молия-иқтисод институти IV курс студентлари институт оталигидаги шаҳардаги 25, 38, 40, 43, 76, 80, 82 ва 90-мактабларда практикада бўлдилар. Кўпгина студентлар дастлабки дарсларни мустақил равишда ўтиб, яхши натижаларга эришдилар.

С. Мусаев.

* * *

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти студентларининг илмий конференцияси муваффақиятли ўтди. Студентлардан З. Мусаевнинг «Африка халқларининг озодлик учун кураши», Т. Асановнинг «Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳақида КПСС XXI съезди» каби темалардаги илмий докладлари тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

И. Саломов.

Пойтахт саноат корхоналари билан ҳам ҳамкорликни кучайтирмоқдалар. Айниқса «Ташсельмаш» заводи билан мустаҳкам алоқа боғланган. Яқинда механика факультети студентлари завод клубида концерт қўйиб бердилар. Завод инженери Н. Симашев эса студентларга «Заводдаги ишлаб чиқариш процесслари» деган темада қизиқарли лекция ўқиб берди.

А. Кудрат,
К. Абдухолиқов.

* * *

Тошкентдаги Чет тиллар педагогика институтининг IV курс студентлари шаҳардаги 25, 38, 40, 43, 76, 80, 82 ва 90-мактабларда практикада бўлдилар. Кўпгина студентлар дастлабки дарсларни мустақил равишда ўтиб, яхши натижаларга эришдилар.

С. Мусаев.

* * *

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти студентларининг илмий конференцияси муваффақиятли ўтди. Студентлардан З. Мусаевнинг «Африка халқларининг озодлик учун кураши», Т. Асановнинг «Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳақида КПСС XXI съезди» каби темалардаги илмий докладлари тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

И. Саломов.

Бизга ёзадилар

ЎҚУВЧИЛАР ЎРНАТГАН РАДИОУЗЕЛ

Оҳангарон шаҳридаги 3- ўрта мактаб ўқувчилари ўз қўлари билан янги радиоузел қурдилар. Радиоузелни ўқувчиларнинг ўзлари бошқараётирлар. Катта танаффус вақтларида радиоузел орқали мактаб ҳаёти, тозалик, интизом ва бошқа темаларда суҳбатлар эшиттириб турилади.

А. Кўкнев.

ЯНГИ МАРШРУТ

Бўстонлиқ районидаги Сойлиқ қишлоғи меҳнаткашларининг талаби билан яқинда Чирчиқ — Сойлиқ маршрути бўйича пассажир автобуси қатнай бошлади. Бу билан Сойлиқ меҳнаткашларига йўл қатновида катта қулайлик туғилди.

А. Нишонов.

ДОҲИЙ ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ

Яқинда Тошкент транспорт инженерлари институтида В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкалнинг очилишига бағишлаб ўтказилган йиғилишда кўпгина ўқитувчи, студент ва ишчи-хизматчи қатнашди. Йиғилиш қатнашчилари доҳи ҳайкалига гулчамбарлар қўйдилар.

Э. Худойбердиев.

ЯНГИ БОҒЧА ВА ЯСЛИ БИНОСИ

Олмалиқ шаҳридаги «Алмаликсвинецстрой» трестининг 1- қурилиш бўлими шаҳарнинг 37-кварталида яқинда янги болалар боғчаси ва яслиси биноларини битказиб, фойдаланишга топширди. Боғча 100 ўринлик, ясли эса 80 болага мўлжалланган. Бу янги биноларда кичкинтойлар учун барча қулайликлар яратилган.

Х. Абдиев.

Редакцияга жавоб қилдилар

ЗАГС ишида тартиб ўрнатилди

Редакциямизга келган хатларнинг бирида Бўстонлиқ райони ЗАГС бўлимининг ишида юз бериб келган жиддий камчиликлар, бўлимнинг биноси кўп йиллардан бери ремонт қилинмагани таҳқид қилинган эди.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Короткованинг редакцияга маълум қилишича, хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Район ижроия комитетининг қарори билан ЗАГС бўлими мудири ишдан олиниб, бу вазифага бошқа лаёқатли ходим тайинланган. Бўлимнинг биносини ремонт қилиш учун тегишли маблағ ажратилган ва ремонт ишлари бошлаб юборилган.

Алоқа бўлими очилди

Бир группа газетхонлар редакциямизга хат ёзиб, Сирдарё районидаги «Малик» тажриба хўжалигининг учинчи бўлимида яшовчи меҳнаткашлар ўзлари обуна бўлган газета ва журналларни жуда кечикиб олаётганликлари, айрим ҳолларда эса газета ва журналлар эгаларига топширилмай қолиши ҳақида хабар қилган эдилар.

Сирдарё район партия комитетининг секретари ўртоқ Алжоновнинг редакцияга хабар қилишича, хатда кўрсатилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. «Малик» тажриба хўжалигининг учинчи бўлимида янги алоқа бўлими очиш учун бино ажратиб берилган ва телефон ўрнатилган. Ҳозир янги алоқа бўлими мунтазам ишламоқда.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Биринчи қадам

Чашма деганда балки тоғ бағирларидаги арчазорлар орасидан ёки шохлари ҳар томонга асрий тарвақайлаб кетган чинорлар тубидан бикирлаб чиқаётган табиий чашмаларни кўз олдингизга келтирарсиз! Майли, ҳеч зиёни йўқ. Биз қаламга олган «чашма» ҳам сувининг тиниқлиги ва таъмининг ширинлигида ўша сиз тасаввур қилган чашмадан сира-сира қолишмайди. Фақат фарқи шуки, у табиат чашмаси бўлса, бу ҳаёт бўстонига эндигина из солиб бораётган поирнинг чашмаси — юрак эҳтиросларининг ифоласи бўлган лирик шеърлар тўпламидир[1].

«Партиямиз ҳақида», «Қизил майдон», «Волга бўйларида» ва «Ёз», «Гилос», «Ўлкам тоғлари», «Сой», «Одатий байрам эди» каби элликка яқин лирик шеърларни ўз ичига олган бу тўплам ёш поир Хайриддин Салоҳнинг китобхонлар жамоатчилигига тақдим этаётган биринчи совғаси бўлиб, унда нурли ҳаёт нашъу намоларидан баҳраманд бўлган, келажак сари дадил қадамлар билан илдам бораётган бахтиёр совет кишисининг юрак оҳанглари таранним этилади. Ватани, халқи жонажон Коммунистик партиясига садоқат ва ҳурмати чексиз бўлган, истиқболи порлоқ инсоннинг шукуҳ ва ифтихори ифодаланади. Кўз ўнгида келажаги кулган бу инсон — лирик қаҳрамон (поирнинг ўзи — Ф. Н.) юрагининг ичида жўш урган бахт ва иқбол қўшиқларини баланд овоз билан куйлагиси келади.

Қўшиқлар, шўх қўшиқлар,
Қанот қоққан қўшиқлар,
Юраклардан дарёдай
Тўлиб оққан қўшиқлар.
Куйланг дўстлар, ўртоқлар,
Янграб кетсин қирғоқлар,
Уфқлардан-уфққа
Қулоч отган гулбоғлар (58-бет).

деб ҳайқиради. Қучоғидан дур ёғилган фонтанлар, жимирлаган мармар ҳовузлар, думоғларга хуш ҳид уфурган боғлар, донаси севгилисининг лабидай қизил бўлган гилослар, ўн донасига сават тўладиган тарифи олма ва олмазорлар, гул ва гулзорлар — булбулларнинг ўлкаси бўлган озод диёр поирга илҳом ва қанот бағишлайди. Сиз тўпламга кирган қайси бир шеърни «Ўлкам тоғлари»ними, «Фарғона боғлари»ними ўқиманг поир руҳига мадад берган ҳаёт нафасини сезасиз. Шеърлар юрагингизга чашмадай оқади. Бунинг сабаби маълум. Поир шеърни шу ҳаётнинг ўзидан олиб ёзади. Унга ўзининг юрак селини қўшиб, сайқал беради.

Ёш автор ўзининг «Қуббон қўлида» шеърида Ўзбекистоннинг шифобахш манзаралари «оқ шишадай» яраклаб кўринувчи кўл тасвирини беради, гир-гир эсган тоғ шабадаси ритмикасида ёзилган бу шеърда сиз тоғ ҳавоси, шабада, занжирсимон кўпиклар ўйнаб чайқалаётган ложувард кўл, тўлқинларни қувиб учган «кумуш чайкалар», тоғ бағрида ўтлаётган колхоз подасини кўрасиз, чўпон найининг майин садосини эшитасиз. Тоғ ортидан қуёш кўринади, кўл сувн «оқ шиша»га айланади. Қайиқларда сайр этишиб юрган қиз-йигитларга ҳавасингиз келади. Гоҳо кўкдан «оқ дур» сочиб булутлар ўтиб қолади. Тоғ устида «қуюқ қош, оҳу кўз нозанин бир қиз» турган бўлади. Сиз қайиқча келтириб уни кўлда бирга сайр этишга таклиф этасиз. Қиз ҳам йўқ демайди — кўлда сузасиз. Кўл, тоғ манзаралари сизда ажойиб таассуротлар қолдиради.

«Одатий байрам эди» шеъри болалик онларингизни эсга солади. Унда поир ёшлика бирга ўйнаб, бирга ўсган «гўзал қиз»га мурожаат қилади ва ўзининг ўша вақтларда жуда ҳам содда эканлигидан сал нарсага ҳафа бўлиб, гўзал қизни ранжиттанидан афсусланади. Шеърда ҳикоя қилинишича «одатий байрам» кунларидан бирида дадаси «ҳадя» қилган «оппоқ шойи кўйлак»ни кийиб далага сайрга чиқди, кўйлагини аваллаб даста-даста гул теради. Олам-олам севинчдан шўх кўзлари нам бўлади. Шунда унинг олдида бир гўзал қиз пайдо бўлади. «Мулойим ҳавас билан» кўйлагига тикилиб: «муборак!» — дейди. Жилмайиб пиқ-пиқ кулади. Ўша куни улар кечгача ўйнаб юришади «Бир саватча чучмома, бир этак ялпиз» юлишади. Қиз чучмомани даста қилади. Поирнинг ўзи айтгандай «қотиради». Қриқда шошиб оққан зилол сувга ботиради. Кейин ҳазил қилиб кўйлагига бир уради. Бироқ, бу поир севинч ипларини шарт узиб, чил-чил қилади. Чунки боғни оппоқ шоҳи кўйлаги «бир оз» доғ бўлади. У ҳўнграб йиғлайди. Қиз қилган ҳазилидан ҳижолат тортиб, унинг атрофида парвона бўлса ҳам овунишни билмайди... Поир ана шу кичкина воқеа ўз юрагида чуқур из қолдирганини айтади ва дейди:

Баъзи кунлар сайр этиб,
чиқиб қолсам далага
Хаёлларим учади
У ажойиб паллага.
У кунги воқеани
Ҳурмат билан эслайман
Ва ундан бирор белги
Қолганми деб излайман,
Афсус, бир кўйлак учун
Шунча йигладим нечун,
Шундан бери кўнглимда
Меҳрим ортар кундан-кун.
(32-бет).

Чуқур лиризм билан суғорилган бу шеърнинг фазилати шундаки, унда поир баҳор ва баҳор табиатлик бола характерини аниқ-равшан кўрсатиб беради. Шеърни ўқир экансиз, озгина илтифотдан думоғи чоғ бўлиб, қалтисроқ ҳазилдан ўз кўнглига «доғ» солувчи бўз бола образи намоён бўлади. Шеърнинг хатима қисмида бу бўз бола ақлҳушини таниган, ўз ўтмишига «танқидий кўз» билан қарай оладиган йигитга айланадики, бу албатта поирнинг воқеа — ҳаракатлар орқали картина, картина орқали образ яратта олиш қобилиятидан дарак беради.

Поир-ижодкорнинг муваффақияти фикрни образли ва ҳақиқатга мувофиқ келадиган қилиб ифодалаб беришда кўринади. Агар фикр-гоя образсиз, ялангоч ҳолда акс эттирилса унинг ўқувчига ҳеч қанақа таъсири бўлмайди. Ўқувчига таъсири бўлмаган ялангоч фикрли асар эса бадиий асар қадр-қимматига эга бўлаолмайди. Ёзувчи-поирнинг санъатқорлиги худди ана шунда, яъни фикрни, олга сурмоқчи бўлган ўз ғоясини бадиий воситалар орқали образли қилиб санъаткорона бера олишдадир. Аммо бу осон иш эмас, албатта. Бунинг учун изланиш, заҳмат чекиш керак бўлади. Ҳаёт ҳодисаларини поирона кўз ва идрок билан кузатиш ҳамда ундан ўзи учун кераклисини илиб қола билиш қобилияти керак. А. С. Пушкин китоб орасидан фавқулодда чиқиб қолган «қуриган, ҳиди йўқ, унитилган гул»ни қалб торларини ларзага солувчи ўлмас асарга айлантирса олгани каби, поирнинг муваффақият қозониши учун ана шу «илиб қолган» нарсасини шеърга айлантира олиш маҳорати керак бўлади. Шу жиҳатдан қарасак ҳали анча ёш бўлса ҳам Хайриддин Салоҳда биз ана шу маҳоратни кўриб турибмиз. Мисол учун «Гилос» шеърини кўрсатиш кифоядир. Поир бунда кичик бир ҳаётий воқеани ҳикоя қилиб беради. Ҳикоя қилганда ҳам дилга ёқадиган, ҳиссиётимизни қўзғайдиган тарзда, образли қилиб берадики, сиз унда севувчи ва севилувчи ёшлар характери учун хос бўлган шўх ҳазил, шарм ҳаёни идрок этиб оласиз. «Гилос» икки ёш ўртасида севги ипини улашга баҳона бўлгани каби, лирик қаҳрамон кайфиятини, унинг кечинмаларини беришда поир учун ҳам восита ролини бажаради.

Бу эндигина биринчи тўпламни билан адабиётимизга кириб келаётган ёш поир учун ижодий муваффақиятдир.

Бироқ бу, ҳамма ёш ижодкорлар учун хос бўлган тақлидчилик хусусиятидан Хайриддин Салоҳ ҳали деган сўз эмас. Хайриддинда ҳам тақлидчилик бор, лекин у тақлид қилганда ўзи яхши кўрган поирларнинг энг яхши шеърларига вазн ёки оҳанг жиҳатидан тақлид қилади. Унинг формасини олади-да, унга тамомила бошқача мазмун беради.

«Сиренлар, сиренлар... ҳар кун
эрталаб,
Деразамни очиб кўраман сизни.
Севимли гўдакдек, ўпиб аллалаб,
Шамол ҳилпиратар
япроғингизни».

Мисраларини ўқиганингизда Уйғунинг машҳур «Украина еллари» асари эсингизга келади. Лекин бу ерда гап «еллар» ҳақида эмас, тамомила бошқа нарса ҳақида боради. «Шараф сенга...» шеърини ўқиганингизда Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водиси» шеър ўлчовини эслайсиз. «Чимённи кўрганмисиз» шеъри эса поир Мирмуҳсиннинг «Бўлганмисиз гўзал Асакада, юлдузларга тўлганда осмон» шеърини хотирлатади.

Бу албатта ёш поирнинг кўр-кўрона тақлид қилишга ўрганганини эмас, таъсирланиш орқасида ана шу шеърларга ҳамоҳанг бўла оладиган оригинал асар ёзишга бўлган ҳавас ва интилишини, шогирднинг ўз устозларига ҳурматини кўрсатади. Ўша яхши шеърлар формасида янги мазмунни ифода этувчи янги асар ёзишга ҳаракат қилади. Шундай бўлса ҳам биз буни тақдирламаймиз. Чунки тақлид-ижодий бўлса ҳам барибир тақлиддир. Буни унутмаслик керак.

Бундан ташқари шеърларнинг кўпчилиги асосан бир хил приём билан, поир-лирик қаҳрамоннинг кўргани-кечирганини хикоя қилиш приёми билан ёзилган. Бу ҳам маълум даражада тўғри эмас. Чунки бу, бир томондан, шеърларда бир хил оҳангни туғдирса, иккинчи томондан, поирнинг тасвир имкониятини ҳам маълум маънода чеклаб қўяди. Шу сабабли шеърлар шакл ва мазмун эътибори билан рангба-ранг бўлсин учун «мен» приёмидан ташқари «сен», «у», «биз», «сиз», «улар» шахсидан сўзлаш приёмини ҳам қўлланилса ёмон бўлмайди.

Сўнгра поир шеърларнинг кўпида ёлғиз табиат, тоғлар манзарасига маҳлиё бўлиб кетади. Сайр, саёҳатлар ҳақида гапиради. Боғлар («Боғлар кезиб», «Боғлар», «Фарғона боғлари», «Олмазорда» в. ҳ.) ичидан чиққиси келмайди. Шунинг учун бўлса керак «боғ», «тоғ», «чаман», «чучмома» каби сўзлари шеърдан-шеърга кўчиб юради.

Поир баъзан сўзларнинг маъносига яхши тушунмасдан ишлатиб юборавераді.

Ям-яшил ўтов ичра
Ясаб бир ҳужра
Қўйсанг агар патифон
эҳ... роҳати жон.

Ёки:

Шунда кимдир
қулаб тушиб
Кўтарилар шўх гуринг.

Бизнингча, «ўтов» дегани «ўтлоқ» эмас, балки уй маъносини англатиб, унинг ичига «ҳужра» қуриб бўлмайди. Шунингдек «гуринг» дегани поир ўйлаганидай «кулги» тушунчасини бермайди. «Гап», «суҳбат» маъносида ишлатилади. Поир шеърларга ном қўйишда ҳам шошқалоқлик қилади.

Мана шу қайд қилиб ўтилган фактларнинг ўзиёқ кўрсатадики, Хайриддин Салоҳ ҳали ўз устида, бадиий маҳоратни чуқурроқ эгаллаш устида янада кўпроқ ишлаши керак. Билим ва ғайратини ишга солиб, «Чашма» сувларини ўзи яхши кўрган боғи «боғлар» томон олиб келсин, ижод гулининг янгидан-янги чаманзорларини яратсин, токи «Чашма» сувларидан ичқоғни қондирган китобхон бу чаман гулларини ҳидлаб роҳат-фароғат топсин.

Ёш поирдан бундан кейинги умидимиз шу.

Ф. НАСРИДДИНОВ.

[1] **Хайриддин САЛОҲ, Чашма,** шеърлар тўплами. ЎзССР Давлат Адабиёт адабиёт нашриёти, 1958 йил, редактор М. Бобоев.

Чиноз районида

КОЛХОЗЛАР ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛМОҚДА

Яллама қишлоқ советидаги «Бўз сув» гидроэлектростанциясида янги кучли генераторнинг ишга тушарилиши туфайли Ленин номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «Қизил Октябрь» колхозларидаги барча хонадон электрлаштирилди. Шунингдек 4-«Вревский» наслчилик совхози ва 9-боғдорчилик совхози ишчиларининг уйлари ҳам Ильич нурлари билан ёритилди.

АГИТМАШИНА ЧУПОНЛАР ХИЗМАТИДА

Район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими райижроком маданият бўлими билан биргаликда агитмашина ташкил қилиб, «Аччиқкўл» массивидаги чўпонлар ҳузурига юборди. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг район бўлими аъзолари чўпонларга сиёсий ва иқтисодий темаларда лекция ўқидилар, суҳбатлашдилар. Чорвадорлар «Мафтунингман», «Фарзандлар», «Алангали йиллар» каби фильмларни қизиқиш билан тамоша қилдилар.

Ўқувчилар экскурсияси

Бўстонлиқ районидаги Товоқсой посёлкасида жойлашган 7-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчилари Ўрта Осиё Давлат университетининг кимё факультетига экскурсия қилдилар. Ўқувчилар факультетнинг турли кафедралари ва лабораторияларида бўлиб, улардаги тажриба ва тадқиқотлар билан танишдилар, дипломантлар олиб бораётган ишларни кузатдилар. Факультет лаборантлари турли пластмассалар, синтетик бирикмалар ва бошқа маҳсулотлар олиш, гўза баргидан лимон кислотаси тайёрлаш ва бошқа реакцияларни қилиб кўрсатдилар.

Бу экскурсия қишлоқ ўқувчиларида кимё фанига бўлган қизиқишни янада кучайтирди.

М. ТОЛИБОВ.

Янги сиёсий плакатлар

Ўзбекистон рассомлари сўнгги вақтда КПСС XXI съезди қарорларига бағишлаб бир қанча сиёсий плакат, варақлар яратдилар. Аммо бу асарлар партиямиз ва ҳаёт талабларига тўла жавоб бермайди.

Шуни ҳисобга олиб Ўзбекистон ССР давлат нашриёти плакатлар нашр этишни яхшилаш мақсадида рассомлар учун сиёсий плакатларнинг тавсия-тематикасини тузиб чиқди. Янги яратиладиган плакатларнинг асосий қисми «Ўзбекистон ССРнинг етти йилликда ривожланиши» деган темани ёритишга бағишланади. Нашриётнинг графика секциясида қатнашиб турувчи рассомлардан Б. Жуков ва С. Мальт «Ўзбекистон ССР бундан кейин ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади» деган темада бир қанча плакат яратишга киришдилар. Рассом А. Россаль эса етти йилликда энергетиканинг ривожланишини кўрсатувчи плакатлар устида ишлашга аҳд қилди. Бундан ташқари бир қанча рассом-графикачилар индустриянинг ривожланиши, халқ моддий фаровонлигининг ўсиши ва маданият темаларида плакатлар яратадилар.

О. АПУХТИН.

БИРИНЧИ ПАСПОРТ

Пойтахтимиздаги КГБ клуби ўтган чоршанба куни кечқурун шод-ҳуррам йигит ва қизлар, нуроний кексалар билан гавжум бўлди. Улар бу ерга 16 ёшга кирган ўтил ва қизларнинг биринчи марта совет паспортини олиш маросимига тўпланган эдилар. Ёшлар паспорт олишни сабрсизлик билан кутардилар...

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Йўлдошев паспорт олувчиларнинг тантанали кечасини очиқ деб эълон қилади ва ёшларни совет граждани ҳуқуқини олишга муяссар бўлганликлари билан табриклайди. Шундан сўнг шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. Қаландаров ўтил ва қизларга биринкетин паспорт топширади.

Ўрта мактаб ўқувчиси Сайёра Аюпова паспортни қўлига олар экан, ҳаяжон билан шундай деди:

— Мен бу кунни кўпдан орзу қилиб юрардим, Мана бугун орзумга етдим, совет паспорти қўлимга тегди, СССР граждани деган фахрли номни олдим. Бу ердаги йиғилиш ҳаётимда унутилмас воқеа бўлиб қолади. Ўқиш ва меҳнатда совет граждани деган фахрли номни оқлашга, халқимга садоқат билан хизмат қилишга ваъда бераман.

Ўқувчилардан Люба Дубравина, Насиба Бўтабоева, Муқаддам Муҳаммедовалар паспортни олгач, В. Маяковскийнинг «Совет паспорти» шеърини баланд овоз билан ўқиб бердилар.

Шу куни 120 кишига совет паспорти тақдим этилди. Паспорт олганларни шаҳар мактабларининг пионерлари гулдасталар тақдим этиб, қизғин табрикладилар.

Тантанали кеча охирида Тошкент шаҳар Маданият уйи ҳаваскорлари ижросида концерт берилди ва «Зирапча» номли кинофильм намойиш қилинди.

А. АҲМЕДОВ.

Суратда: Биринчи паспорт олган К. Мансурова ва Х. Шомаҳмудова.

З. Гоцкозик ва Н. Маркелев. фотоси.

Республикалараро савдо ярмаркаси

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси 13 майда Округ Офицерлар Уйида ортиқча озиқ-овқат ва саноат молларини сотиш республикалараро ярмаркаси ташкил этди. Ярмаркада РСФСР, Украина, Латвия, Грузия, Озарбайжон ва Ўрта Осиё республикалари қатнашдилар. Бу республикаларнинг халқ хўжалик кенгашлари, область, шаҳар ва район савдо бошқармалари, базалари ҳамда йирик универмаглари ўзларидаги харид қилинмай ётган моллар билан ярмаркада иштирок этдилар.

Ярмаркага саноат, маданий, спорт, хўжалик ва озиқ-овқат моллари мингдан ортиқ туридан намуналар қўйилган. Савдонинг биринчи куни «Ўзбекбирлашув»нинг хўжалик ва саноат моллари базаси иттифоқчи республикаларга 6 миллион сўмлик мол сотди ва ярим миллион сўмга яқин молларни харид қилди. База сотиб олган моллар ичида республикамиз харидорлари учун зарур бўлган буюмлар, кийимлар бор.

Уч кун давом этган бу ярмаркада 100 миллион сўмликкка яқин мол сотилди. Бундай ярмаркаларни ташкил этиш фойдали ишдир. Бу, харидорларни зарур моллар билан таъминлаш ва савдо ташкилотлари, базаларнинг меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишини яхшилашга ёрдам беради.

П. АБДУЛЛАЕВ.

Мактаб ўқувчиларининг музика лекторийси

Успенский номли 10 йиллик музика мактаби ҳузурида музика лекторийси ишлай бошлади. Бу лекторийга Тошкент шаҳар мактабларининг ўқувчилари жалб этилади. Унда болаларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш мақсадида музика маданияти, классик композиторлар, ҳозирги замон совет ва ўзбек композиторлари ижоди, улар яратган асарлар ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Шу билан бирга айрим асарлар ижро этилиб тингланади. Лекторий машғулотларини музика мактабининг ўқитувчилари олиб борадилар.

Г. Набойшчиков:

ТАСС РАДДИЯСИ

Англиядаги консерватив «Дейли телеграф» газетаси яқинда Теҳрондаги ўз мухбирининг хабарини босиб чиқарди. Бу хабарда айтилишича, «рус армия қўшилмалари» Афғонистон ҳукуматининг розилиги билан «Афғонистон территориясига кирган» эмишлар ва Ҳирот районида турган эмишлар. Газета, бу ҳол «Эроннинг мудофаа позицияларига», «Афғонистон территориясидан «таҳдид» солмоқда, шунингдек Эроннинг Покистон билан бўлган алоқа йўлларига «таҳдид» солмоқда, деб даъво қилади.

Англиянинг Рейтер агентлиги, Франс пресс агентлиги ва Ғарбий Германиянинг ДПА агентлиги бу хабарни илиб олдилар ва тарқатдилар.

ТАСС ўзига берилган ваколатга асосланиб шуни билдирадики, мазкур хабарлар Эронда ва Покистонда чет эл ҳарбий базалари қурилаётганлигини, шунингдек чет эл қуролли кучларининг Эрон территориясидан фойдаланишга тайёргарлик кўраётганликларини жамоатчиликнинг кўз олдида оқлаш мақсадини кўзда тутган бошидан-охиригача уйдирма гаплардир. Бундан кўриниб турибдики, Теҳрондаги баъзи сиёсатдонлар ва уларнинг орқасида турганлар мана шуларнинг ҳаммасини бошқаларга тўнкашни жуда истаётганга ўхшайдилар.

МОСКВА БИЛАН ЛОНДОН ЎРТАСИДА МУНТАЗАМ ҲАВО ЙЎЛИ ОЧИЛДИ

Англиядаги БЕА авиация компаниясининг турбовинтли «Вайкаунт» самолёти 14 майда Москва вақти билан соат 19-35 минутда Внуково аэродромига келиб қўнди. Самолётнинг бу қатнови билан Москва ва Лондон ўртасида мунтазам ҳаво йўли очилди. Совет ва Англия самолётлари СССР билан Буюк Британия пойтахтлари ўртасида ҳафтада тўрт марта қатнаб туради. (ТАСС).

А. А. ГРОМИКО К. ГЕРТЕР ВА С. ЛЛОЙД БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

ЖЕНЕВА, 14 май. (ТАСС). СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ делегациясининг резиденциясида бугун АҚШ давлат секретари К. Гертер ва Буюк Британия Ташқи ишлар министри С. Ллойд билан учрашди. Учрашув вақтида ядро қуроли синовларини тўхатишга тааллуқли бўлган музокаралар ҳақидаги масалалар юзасидан фикр олишув бўлди.

Уччала министрнинг суҳбати вақтида А. А. Солдатов, С. К. Царапкин, Ж. Уодсворт ва М. Райт иштирок этдилар.

А. А. ГРОМИКО ШАРАФИГА С. ЛЛОЙД ҲУЗУРИДА ЗИЁФАТ

ЖЕНЕВА, 14 май. **(ТАСС махсус мухбири).** Буюк Британия ташқи ишлар министри С. Ллойд СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шарафига бугун зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан совет делегациясининг аъзолари В. А. Зорин ва Я. А. Малик ҳам ҳозир бўлдилар.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

СТОКГОЛЬМ, 14 май. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгашининг янги сайланган президиуми бу ерда ўзининг биринчи мажлисини ўтказди. Президиум аъзолари — президентлар Жон Бернали (Англия) ижрочи президент қилиб сайладилар.

Ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашида

ЖЕНЕВА, 14 май **(ТАСС махсус мухбири).** Кув де Мюрвиль раислигида ўтган бугунги мажлисда биринчи бўлиб АҚШ давлат секретари К. Гертер сўзга чиқди ва у, АҚШ, Англия ва Франция номидан кенгаш муҳокамасига «тинчлик плани» деган ном остида план тақдим қилди.

К. Гертер бу планни баён қилишдан олдин уни тушунтириб изоҳ берди. Бу изоҳдан маълум бўлишича, уч давлатнинг таклифлари иккита суверен герман давлати мавжуд бўлиб турган ҳозирги реал аҳволни заррача ҳисобга олмаётган ва немис халқининг Германия бирлиги проблемасини ўзи ҳал қилиши тўғрисидаги қонуний ҳуқуқини назар-эътиборга олмаётган эски концепцияга асосланган таклифлардир.

К. Гертер Германия масаласи «1955 йилдан бери халқларнинг виждонини хира қилиб турган» бирдан-бир масала эмаслигини таъкидлаб, уч Ғарб давлатининг таклифлари Европа хавфсизлигини таъминлашнинг бир қанча проблемаларини, чунончи кимёвий, биологик қуролларни, ядро қуролини ишлаб чиқаришни тақиқлаш, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни белгиланган миқдоргача ёппасига камайтириш, бутун дунёда келишиб қўйилган зоналарда тўсатдан бўладиган ҳужумнинг олдини олиш тадбирлари ва шу каби проблемаларни ўз ичига олади, деди.

Шундай қилиб, АҚШ, Англия ва Франциянинг тўрт давлат ўртасида министрлар кенгашининг вазифалари ва кун тартиби тўғрисида бўлган келишувга хилоф бўлган бу таклифлари кўпгина мураккаб халқаро проблемаларни айни бир вақтда кўриб чиқишни кўзда тутадики, бундай қилиш Германия билан тузиладиган сулҳ шартномаси масаласини тез ҳал этишга халақит берган бўлур эди. Бу масалани ҳал қилиш эса тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг бошқа муҳим масалаларини ҳам бартараф қилишга йўл очган бўлур эди.

К. Гертер Ғарб давлатларининг таклифларини умумий тарзда баён қилиб, дастлаб Германия сайловлар ўтказиш йўли билан қайта бирлаштирилиши лозим, деди. Сайловлар ўтказилишига қадар, — деди К. Гертер, — Шарқ ва Ғарб немислари сайлов методини муҳокама қилмоқ учун ўзаро алоқа боғлашларига розимиз. К. Гертер тайёргарлик даври деб ном берган бу давр ичида, Ғарб давлатларининг планига кўра, «Европа хавфсизлиги соҳасида ижобий чоралар» ўтказилиши лозим. Германия билан тузиладиган сулҳ шартномасига келганда, уч давлатнинг планига кўра, бу шартномани тузиш номаълум вақтга кечиктирилади. Гертер баён қилган план Ғарб давлатларининг Ғарбий Берлинда оккупация режимини сақлаб қолиш ниятида эканликларини ҳам кўрсатади.

К. Гертернинг гапига қарагандa, шунга қарамай, уч Ғарб давлати совет нуқтаи назарига анча яқинлашиб қолган эмишлар. К. Гертер яна шуни ҳам айтдики, АҚШ, Англия ва Франциянинг фикрича, совет таклифлари ҳам, шунингдек Ғарб давлатлари тақдим этган план ҳам махфий равишда муҳокама қилиниши лозим. К. Гертердан кейин сўзга чиққан М. Кув де Мюрвиль ва С. Ллойд Гертер тақдим этган планнинг ўзини ҳам ва унинг шу план тўғрисида айтган ҳамма гапларини ҳам тўла равишда қувватлаганликларини билдирдилар.

Сўнгра Германия Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи, ташқи ишлар министри Лотар Больца сўз берилди.

Германия Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи ўз нутқининг бошида ўқтириб айтдики, немис халқи ўз вакилларига шу кенгашда сўзга чиқиш имконияти берилганлигини эшитиб жуда мамнун бўлди, чунки халқаро кескинлик немис халқининг устида айниқса оғир юк бўлиб турибди.

Биз, Германия Демократик Республикасининг вакиллари, — деди сўнгра Больц, — ўз сўзимизни тантанали ваъда беришдан бошлаб айтамизки, бутун сиёсатимизнинг ва бу кенгашда қатнашаётганлигимизнинг мақсади немис милитаризми кучлари томонидан тинчликка бўлаётган янги таҳдидни абадий йўқотишдан иборатдир. Больц ўқтириб айтдики, немис халқи сулҳ шартномасининг тезроқ тузилишидан айниқса манфаатдордир, чунки сулҳ шартномаси немис халқи учун мустаҳкам тинчликни таъминлайди ва Германиянинг парчаланганлигини тугатиш сари энг қисқа йўл очиб беради. Больц дедики, сулҳ шартномаси ҳар иккала герман давлатига баравар ҳуқуқлар берган бўлур эди ва уларнинг устига баббаравар мажбуриятлар юклаган бўлур эди ҳамда шу тариқа бу кечиктириб бўлмайдиган масалани ҳал қилиш учун шароит вужудга келтириб, уларнинг бир-бирига яқинлашувига олиб келган бўлур эди. Больц ўқтириб айтдики, Германия Демократик Республикасининг сиёсий программаси иккала герман давлатининг конфедерациясини тузиш фикрини ўз ичига олади. Больц, Германия Демократик Республикаси ҳукумати Германия Федератив Республикаси ҳукуматига мўзокаралар бошлашни неча марталаб таклиф қилган бўлса ҳам, лекин унинг бу ҳаракати муваффақиятли бўлиб чиқмади, деб кўрсатиб ўтди.

Ўз ҳукуматимнинг топшириғига биноан, — деди Больц, — мен бу улуғ эътлор олдида: ҳали ҳам кеч эмас, деб айтаман. Бу залда ҳар иккала герман давлатининг делегациялари тенг ҳуқуқли бўлиб ўтирибди ва ташқи ишлар министрлари кенгашининг ишида тенг ҳуқуқли бўлиб қатнашмоқда. Германия Демократик Республикасининг делегацияси, — деди у, — Германия билан тузиладиган сулҳ шартномасининг ҳамма масалаларини, шунингдек бирлашган, демократик, тинчликсевар Германия давлатини вужудга келтиришга ёрдам берадиган ҳамма чораларни Федератив Республика делегацияси билан муҳокама қилишга тайёрдир. Шу тариқа, — деди Больц, — ҳар иккала герман делегацияси кенгашнинг ҳамма томонларни қондирадиган якунларга эришувига муҳим ҳисса қўша олган бўлур эди.

Л. Больцдан кейин сўзга чиққан Германия Федератив Республикасининг вакили В. Греве К. Гертер баён қилган таклифларни тақриклади ва бу таклифлар Германия Федератив Республикаси ҳукумати билан яқиндан ҳамкорлик қилиш натижасида ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтди.

В. Греве Л. Больцнинг, Германия Демократик Республикаси делегацияси Германия билан тузиладиган сулҳ шартномасининг ҳамма масалаларини, шунингдек бирлашган, демократик, тинчликсевар герман давлатини вужудга келтиришга ёрдам берувчи чораларни муҳокама қилишга тайёрдир, деб айтган гапи ҳақида оғиз очмади.

Кенгашнинг эндиги мажлиси 15 майда кундузи бўлади.

Халқлар ўртасида тинчлик таъминланиши лозим

СТОКГОЛЬМ, 14 май. **(ТАСС махсус мухбирлари).** Тинчликни мустаҳкамлайлик деган даъват Швеция пойтахтидан яна бутун дунёга янгради. Атом қуролини тақиқлаш тўғрисида бундан 9 йил муқаддам тарихий Стокгольм хитобномаси шу шаҳарда эълон қилинган эди. Бу хитобномани ҳамма мамлакатлар ва қитъалардаги яхши ниятли 500 миллиондан кўпроқ киши имзолаган эди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши ўн йил давомида қилган ўз ишларини якунлаб, барча тинчлик тарафдорларини қуйидаги талаблар билан чиқишга чақиради:

ядро қуроли синовлари абадий тўхтатилсин, ядро қуроли, тақиқлансин;

тинчлик хавф остида турган районларда, биринчи навбатда Европанинг марказида, қуролли кучлар бир-биридан узоқлаштирилсин.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзолари бундай деб айтдилар:

«Инсоният икки йўл ўртасида турибди. У ё ҳаётни ёки ўлимни, шулардан бирини танлаб олиши керак. Биз ҳаётни танлаб олдик. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда жаҳон халқлари уруш кучларини ўз планларидан воз кечишга мажбур қила оладилар. Биз тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, яхши ниятли кишиларнинг ҳаммасини ягона мақсадга эришмоқ — фақат «совуқ уруш»нигина эмас, шу билан бирга ҳар қандай урушларни ҳам тугатмоқ учун ўз кучларини бирлаштиришга ва бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишга чақирамиз, токи инсоният илм-фаннинг ажойиб муваффақиятларидан фойдаланиб, гуллаб-яшнаш ва бахтиёрлик даврига қадам қўя оладиган бўлсин, бутун дунёда тинчлик шароитда қўрқув ва нафратдан ҳоли бўлиб яшайдиган бўлсин».

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессияси тинчлик тарафдорларининг барча миллий ҳаракатларига, тинчликнинг ҳамма кучларига, яхши ниятли кишиларнинг қарашлари ва маслакларидан қатъи назар уларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, уларни юксак доирада музокаралар бошлаш кампаниясини бутун дунё миқёсида ўтказишга чақирди. Юксак доирада олиб бориладиган бу музокаралар совуқ урушни тугатиш ва барча халқаро низоларни музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф қилиш сари қўйиладиган қадам бўлиши лозим. Шу кампания вақтида, дейилади ҳужжатда, Жаҳон Тинчлик Кенгаши Стокгольм сессиясининг халқларнинг юксак доирада кенгаш ўтказилсин деган талабларини ифодаловчи хитобномасини тинчлик ишининг қадри-қийматини биладиган ҳамма кишиларнинг қалбига ва онгига сингдириш зарур.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши тинчлик йўлида олиб борилаётган ҳаракатларнинг ҳаммасини бу кампанияни ўтказмоқ учун талабномалар юборишни, имзолар тўплашни, митинглар ва намойишлар ўтказишни ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этишга чақиради. Бу ишлар ҳукуматлар бошлиқларининг кенгаши бўладиган жойга делегациялар юборишни ва тугалланиши лозим.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Жаҳон тинчлик эстафетасини мумкин қадар кенгроқ миқёсда ўтказишга чақиради. Бу эстафета ҳамма халқларнинг бутун дунёда мустаҳкам тинчлик бўлсин, деган қатъий талабларини уйдан-уйга, қишлоқдан-қишлоққа, шаҳардан шаҳарга, мамлакатда мамлакатга олиб ўтиб, ҳукуматлар бошлиқларининг кенгашига топширади. Жаҳон Тинчлик Кенгаши иккинчи жаҳон уруши бошланган кунни, яъни 1 сентябрни янги жаҳон урушига ҳарбфига қарши бутун дунёда кураш куни қилиб нишонлашга чақиради.

Жаҳоннинг 19 мамлакатидаги парламентларнинг аъзоларидан Жаҳон Тинчлик Кенгаши ишида қатнашган 70 киши тантанали декларация эълон қилдилар. Улар ҳозирги вақтда Женевада ташқи ишлар министрлари кенгашида тўпланган давлат арбобларини «совуқ, уруш»ни тугатиш тўғрисида ва халқаро кескинликни юмшатиш тўғрисида дарров битимга келишга чақирдилар, токи бутун ер юзидаги одамлар тинчлик шароитида яшаш ва ишлаш имкониятига эга бўлсин. Бу декларацияга қўл қўйганлар, ташқи ишлар министрлари урушга ҳотима беришни талаб қилаётган ва урушни қонундан ташқари деб эълон қилишни талаб этаётган бутун дунёдаги оддий кишиларнинг турли сиёсий системалардаги ва турли идеологияга эга бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши керак деган сиёсат қабул қилинсин, деб қатъий овоз билан қилаётган даъватларига қулоқ солишни талаб қилдилар. Айни бир вақтда улар ўзларининг парламентларидаги фаолиятларида тинчлик сиёсатини ўтказиш тўғрисида тантанали равишда ваъда бердилар.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессиясида тинчлик учун курашнинг айрим проблемаларига доир бир қанча резолюциялар ҳам қабул қилинди.

Д. ЕРШОВ, А. КРАСИКОВ.

ТЕЛЕГРАФ ЭЛЧИЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

✦ Ҳиндистон иқтисодий миссияси ҳамда маориф ходимлари уюшмаси Умумҳиндистон федерацияси делегацияси 14 майда Деҳлидан Совет Иттифоқига учиб кетди. Иқтисодий миссияси Ҳиндистоннинг учинчи беш йиллик планини бажариш даврида Ҳиндистон-Совет иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳақида музокаралар олиб боради. Маориф ходимлари делегацияси СССР да билим олиш ишларининг қўйилиши билан, олий ўқув юртлари мактаблар ҳамда болалар муассасаларининг ишлари билан танишадилар.

✦ Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг раиси Ким Ир Сен 14 майда ВЦСПС президиумининг аъзоси «Труд» газетасининг бош редактори Б. С. Бурков бошчилигидаги совет касаба союзлари делегациясини қабул қилди. Суҳбат давомида Ким Ир Сен Корея Халқ Демократик Республикасида социализм қурилишининг бориши ҳақида сўзлаб берди.

✦ Японияда яшаб турган корейслардан бир неча юз киши ўзларини Корея Халқ Демократик Республикасига қайтишлари ҳақидаги масалани тезроқ ҳал қилинишини талаб қилиб, 13 майда Токиода ташқи ишлар министрлигининг ҳамда Япония Қизил ярим ой жамиятининг бинолари олдида намойиш уюштирдилар. Намойишчилар япон маъмуриятларига мактуб топширдилар. Мактубда ана шу масалани ҳал этишдаги ғовларга қарши норозилик билдирилади.

✦ Судан информация министри Хартумда баёнот эълон қилган. Баёнотда Судан Шимолий Африка саҳроларида Франциянинг атом бомбаларини синовдан ўтказиш ниятида эканлигига қарши эътироз билдириб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва бошқа халқаро ташкилотларда ана шу ниятларга қарши жуда кескин равишда чиқиши тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига хабар қилади, дейилади. 14 май (ТАСС).

АКАДЕМИК К. М. БИКОВ ВАФОТ ЭТДИ

ЛЕНИНГРАД, 14 май. (ТАСС). Атоқли совет олими СССР Фанлар академияси И. П.Павлов номидаги физиология институтининг директори, РСФСР Олий Советининг депутати академик К. М. Биков узоқ давом этмаган касалликдан кейин 14 май кечаси 74 ёшида вафот этди.

ФУТБОЛ

ҲИСОБ 2:0

«Пахтакор» командаси 14-май куни ўз майдонида «Ҳосилот» (Сталинобод) командаси билан учрашди. Ўйин 2:0 ҳисоби билан «Пахтакор» командаси фойдасига ҳал бўлди.

Телевизор экранида

16 МАЙДА

19.30. Ўқувчилар учун «Ёш табиатшунос» деган эшиттириш.

19.50. Киножурнал.

20.00. Сўнгги ахборот.

20.15. Бадиий фильм — «Фотима».

22.00 Бадиий ҳаваскарлар концерти.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — қишки бинода: 16/V да кечқурун, 17/V да кундуз **Макр ва муҳаббат**, 17/V да кечқурун **Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим**, ёзги бинода: 16/V да **Алишер Навоий**, 17/V да **Ҳуррият**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/V да **Кармен**, 17/V да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Майсаранинг иши**. СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова** ва **Саодат Қобилова** қатнашади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Комсомол қўлидаги ёзги бино) — 16 ва 17/V да янги спектакль **Фарғона ҳикояси**.

«РОДИНА» — кундуз соат 1 ва кеч 10-40 минутда **Тошлар тилга кирса эди...**, кундуз 3 ва кеч 9 да **Хотиним куйлашни истайди**, кеч 5 ва 7 да кенг экранли фильм **Булутли тонг**.

«ВАТАН» — кеч соат 9 да **Ёшлик йиллари**, кеч 10-40 минутда **Хотиним куйлашни истайди**.

«ОКТЯБРЬ» — кеч соат 9 да **Бир аёл тақдири**, кеч 10 яримда **Ёшлик йиллари**.

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Хотиним куйлашни истайди**, кеч соат 8-40 минут ва 10-25 минутда **Умр беҳуда ўтди**.

«ФЕСТИВАЛЬ» — кеч соат 8-45 минутда кенг экранли фильм **Биринчи ранг капитан**, кеч 10 яримда кенг экранли фильм **Булутли тонг**.

КАФАНОВ номли — **Хотиним куйлашни истайди**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун **Ота уйи**.

АНТАРКТИДА САФАРИ

Яқинда Тошкентдаги Навоий номли халқ кутубхонасида Антарктидага борган совет экспедициясининг қатнашчиси, йирик географ-олим, Тошкент обсерваториясининг профессори Виктор Антонович Бугаев 6-қитъа — Антарктида сафари тўғрисида китобхонларга ҳикоя қилиб берди.

Халқаро геофизика йили муносабати билан Антарктидага борган совет экспедицияси аъзолари бу ерда ярим йилдан ортиқ вақт яшадилар. Экспедиция Ленинграддан йўлга чиқиб, Испания қирғоқлари бўйлаб, Африка орқали Антарктидадаги Мирний посёлкасига етиб келадилар. Бу ерда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида профессор Бугаев кўпгина қизиқарли маълумотларни айтиб берди. Посёлкада ернинг магнит майдонини текширувчи махсус лаборатория, грицология, гидрология, метериология, биология ва бошқа лабораториялар бор. Бу лабораториялар ер қобиғини, ионосфера ва об-ҳавони текширадиган кучли аппаратларга эга. Текширишлар натижасида бу қитъада қалинлиги 4 минг метрдан ошадиган муз қатламлари, бу қатламлар тагида катта-кичик кўллар ва уларда яшовчи майда ҳайвонлар дунёси борлиги аниқланди. Бундан ташқари қитъадаги тоғлиқ жойларда қўнғир кўмир, темир рудаси, мис, олтин ва бошқа нодир металлар ҳам учрайди.

Антарктидада бутун йилнинг учдан икки қисми очиқ кун бўлишига қарамй, бу ерда тез-тез қаттиқ қор бўронлари, кучли шамоллар бўлиб туради. Температура эса қиш кунларининг бирида — 88 Ц градуси, ёз кунларида эса — 35,—40Ц градусни кўрсатган.

Ана шундай табиий қийинчиликларга қарамай совет қутбчилари 6-қитъа тўғрисида кўпгина қимматли илмий материаллар тўпладилар. Ҳозир Антарктидада «Комсомольская», «Советская», «Восток» ва «Лазарево» совет станциялари илмий-текшириш ишларини давом эттирмоқда.

— Биз, — дейди профессор Бугаев, — Ватанимиздан 25 минг километр узоқликда бўлишимизга қарамай, ўзимизни ёлгиз ҳис этмадик. Чунки биз ҳар соат Ватанимиз овозини, Москва овозини эшитиб, халқимиз амалга ошираётган улуғвор ишлар билан танишиб турдик. Қанчалик узоқ бўлмасин бу абадий музлик ўлкасида биз она-Ватанимиз нафаси билан яшадик. Шуниси қизиқки, мен Тошкентдан юборилган телеграммани ўша музликда туриб атиги уч соат ичида олишга муяссар бўлдим. Ана шунинг ўзи Ватан фани шон-шуҳрати учун курашаётган олимлар тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Кутубхонанинг катта ўқиш залига йиғилган 500 га яқин киши профессорнинг бу қизиқарли ҳикоясини эътибор билан тингладилар ва унга, 6-қитъадаги совет олимларига катта ижодий муваффақиятлар тиладилар.

Қ. АҲМЕРОВ.

Суратда: экспедиция аъзолари Мирний посёлкаси яқинида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Профессор **В. Бугаев** фотоси.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040,135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 136. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00984. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1592.